Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 44 (8534). ● 28 февраль, 1985 йил ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

МЕҲНАТ БАЙРАМИГА ТАРАДДУД

Москва-Сортировочная депоси ишчиларининг 20 апрель куни ленинча Коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги даъвати Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Ленин орденли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективида завқшавқ билан кутиб олинди. Бу ерда кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. Бирлашма партия комитетининг секретари С. А. Саидаҳмедова митингни очар экан, ўртоқларга мурожаат этиб, москваликларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлашга, Коммунистик партия билан Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 115 йиллигини меҳнатда энг юксак натижалар билан нишонлашга чақирди.

1-тикув цехида тўрт дугона бичиқчилар Лилия Халилова, Полина Новосельцева, Фелюра Полтаева ва Галина Закритная меҳнат қилмоқдалар. Улар республика илғор ишчиларининг «Бир беш йилликда икки беш йилликни бажарамиз» деган ташаббусига қўшилганлар. Лилия Халилова митингда сўзга чиқиб, ўз дугоналари номидан Коммунистик шанбалик куни уч смена топшириғини бажариш мажбуриятини олди.

2-цехнинг тикувчи-мотористи Р. Қамбарова, меҳнат ветерани, ёшларнинг мураббияси В. И. Васильева шу куни юксак меҳнат унумдорлигига эришишга, жами маҳсулотни «яхши» ва «аъло» баҳолар билан ишлаб чиқаришга интилажакларини билдирдилар.

«Қизил шанбалик» кунида тикувчилар коллективи 240 минг сўмлик 2320 та маҳсулот ишлаб чиқаришга, бирлашма территориясини ободонлаштириш ва қўкламзорлаштириш ишларини бажаришга сўз бердилар. Шу куни иш эвазига олинадиган пул беш йиллик фондига ўтказилади.

(ЎзТАГ мухбири).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ

АХБОРОТИ

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА 1985 ЙИЛ 24 ФЕВРАЛДА БЎЛИБ ЎТГАН САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1985 йил 27 февраль куни Марказий сайлов комиссияси ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов натижалари тўғрисида округ сайлов комиссияларидан олинган маълумотларни кўриб чиқиб, барча сайлов округларида сайлов Ўзбекистон ССР Конституцияси билан Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Қонун талабларига тўла мувофиқ равишда ўтказилганлигини аниқлади.

Республика давлат ҳокимияти Олий органига сайлов кампанияси ҳамма жойда партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларини амалга оширишга, Улуғ Ватан урушида эришилган Ғалабанинг 40 йиллигини, Совет Иттифоқи жонажон Коммунистик партиясининг XXVII съездини муносиб кутиб олишга қаратилган зўр сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган бир вазиятда ўтди.

Республика меҳнаткашлари сайлов кампанияси давомида Коммунистик партия билан Совет давлатининг ленинча ички ва ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитетининг, атоқли сиёсат ва давлат арбоби ўртоқ К. У. Черненко бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг халқ хўжалиги ва маданиятни янада ривожлантириш, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш, Ватаннинг мудофаа қобилияти ва қудратини кучайтириш, бутун дунёда тинчликни сақлаб қолиш соҳасидаги кўп қиррали ва самарали фаолиятини актив қўллаб-қувватлаб, яқдиллик билан маъқуллаётганликларини намойиш этдилар.

Сайловга меҳнаткашларнинг жуда актив иштирокида тайёргарлик кўрилди ва ўтказилди. Юз минглаб совет граждан-лари сайлов комиссияларида ишончли вакиллар, агитаторлар ва пропагандистлар сифатида иш олиб бордилар. Кўпдан-кўп сайловолди йиғилишлари давомида депутатликка номзодларнинг сиёсий ва ишчанлик фазилатлари эркин ва ҳар томонлама муҳокама қилинди, сайловчилар уларга наказлар беришди, давлат ҳамда жамоат органларининг ишини янада яхшилашга, интизом ва тартибни мустаҳкамлашга қаратилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни айтишди.

Марказий сайлов комиссияси барча округ сайлов комиссиялари тақдим этган протоколлар асосида умуман республика бўйича Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловнинг узил-кесил якунларини аниқлади.

Сайловда қатнашиш учун сайловчиларнинг рўйхатига 8.764.769 киши киритилган эди. 8.764.670 сайловчи ёки уларнинг 99,99 проценти овоз беришда қатнашди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар учун 8.762.965 сайловчи овоз берди, бу эса 99,98 процентни ташкил этади. 1697 сайловчи номзодларга қарши овоз берди. Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 51-моддасига асосан саккизта сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб топилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказилган 510 сайлов округининг ҳаммасида овозга қўйилган депутатликка номзодлар мутлақ кўпчилик овоз олдилар ва депутат этиб сайландилар.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 55-моддасига асосан 510 сайлов округининг ҳаммасида ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советига сайланган депутатларни рўйхатга олди.

Депутатлар составида 162 ишчи ёки 31,8 процент, 99 колхозчи ёки 19,4 процентдир. Жами ишчи ва колхозчилар эса 261 нафар ёки 51,1 процентдир. Депутатлар орасида 346 киши ёки 67,8 проценти КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, 164 киши ёки 32,2 проценти партиясизлар, 183 киши ёки 35,9 проценти хотин-қизлардир. 30 ёшгача бўлган депутатлар 117 киши ёки 22,9 процент. ВЛКСМ аъзолари — 86 киши ёки 16,9 процент. Депутатлар составининг 72,7 проценти янгиланди.

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов якунлари, коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари республика давлат ҳокимияти Олий органига яқдиллик билан сайланганликлари — партия билан халқ метиндек мустаҳкам бирлигининг, меҳнаткашлар КПСС ҳамда Совет давлати ички ва ташқи сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганликларининг янги ёрқин далилидир. Сайлов ривожланган социализм жамиятининг чуқур демократизмини, меҳнаткашлар коммунистик қурилиш барча соҳаларида янги-янги муваффақиятларга сабот билан эришишга азму қарор берганликларини яққол кўрсатди.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ВА БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

МОСКВАЛИКЛАРНИНГ КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИНИ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАЙЛИК

Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли ихтисослашган ишлаб чиқариш корхонасида кўчма сув насос станциялари кўплаб тайёрланмоқда. Бу ишларни бажаришда илғорлар кўпчиликка намуна бўлмоқдалар. Рустам Муҳамедшин ана шундай пешқадам слесарлардандир. Р. Мухамедшин шахсий смена топшириқларини мунтазам 130 процентга етказиб бажараётганлиги туфайли мусобақа пешқадамлари сафига чиқиб олди.

В. Сироткин фотоси.

ШОНЛИ САНА ОЛДИДАН

АНГРЕН «Резинотехника» заводининг 3-цехи ишчиси Абдураззоқ Рисқулов бошчилик қилаётган бригада коллективи Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини иккинчи квартал топшириқларини бажариш билан кутиб олишга аҳд қилди. Кўзланган мақсадга эришиш учун улар йилнинг дастлабки ойлариданоқ ўзаро мусобақани авж олдириб ишламоқдалар. Мавжуд резервлардан унумли фойдаланиш ҳисобига смена нормаси 130 процентга етказиб бажариляпти. Шу туфайли ҳам бу коллектив ишчилари айни кунларда йилнинг апрель ойи ҳисобига маҳсулот тайёрлашмоқда.

Бу ҳаракатга қўшилган бўлинманинг Абдунаби Эркабоев, Николай Баулин ва Галина Манзурова сингари ишчилари етакчилик қилаётган бригада коллективларининг иш кўрсаткичлари ҳам самарали бўляпти. Улар топшириқларни белгиланганидан анча ошириб бажаришга эришиляпти. Илғорларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли цех ишчиларининг январь ойи плани 102,3 процентга бажарилди.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

ЗАРБДОРЧАСИГА ИШЛАЙВЕРАМИЗ

БИЗНИНГ бинокорлик конструкциялари комбинатимиз Юбилей посёлкасидаги етакчи корхоналардан ҳисобланади. Давлат планларининг ортиғи билан бажарилишига эришяпмиз. Ўтган йилги ишимиз натижаси ҳам шундан далолат беради. Коллективимиз йил давомида 50 минг куб метрга яқин йиғма темир-бетон конструкциялари тайёрлади. Бу бинокорлик материалининг анчагина қисми Тошкент бройлер паррандачилик фабрикаси қурилиши учун етказиб берилди. Йил давомида маҳсулот жўнатиш бўйича шартнома мажбуриятларини тўла бажарилишига муваффақ бўлдик.

Ўн биринчи беш йиллиннинг якунловчи йилида олдимизга катта вазифалар қўйилган. Биз ишлаб чиқариш ҳажмини 15 процент кўпайтиришимиз лозим. Бунга, аввало, ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ҳисобига эришишни мўлжаллаб турибмиз. Янги асбоб-ускуналар ўрнатиш, мавжудларини модернизациялаш меҳнатимиз унумининг ортишига ёрдам бермоқда. Ишлаб чиқариш илғорлари коллективимиз ютуқларига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Роман Ким бошчилигидаги қолипловчилар бригадаси стахановчасига меҳнат қилаяпти. Бригада аъзолари завод бўйича социалистик мусобақада бир неча бор ғолиб чиқишди.

Бизнинг қолипловчилар коллективимиз ҳам илғорлар сафида бормоқда. Ишлаб чиқариш интизомининг мустаҳкамлиги, бригадамиз ҳар бир аъзосининг ўз вазифасига сидқидилдан муносабатда бўлаётганлиги, қўшимча касбларни билиши меҳнатимиз натижасининг баракали бўлишига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан белгиланган марраларимизни муваффақиятли эгаллаяпмиз. Ҳар сменада топшириқни 1,5 бараварга етказиб бажармоқдамиз. Бригадамиз аъзолари бундан буён ҳам зарбдорчасига меҳнат қилаверадилар.

Я. СУЛТОНОВ,
комбинат қолипловчилар бригадаси бошлиғи.

ҲАМ САБЗАВОТ, ҲАМ УРУҒ

КАЛИНИН районидаги «Бўзсув» совхози уруғчиликка ихтисослашган. Шунинг учун ҳам хўжаликда сабзавот экинлари кўчатларининг сифатли ва сара бўлиши учун курашилади.

— Ўтган йили иттифоқимиз ва республикамиздаги сабзавоткор хўжаликлар учун тўққиз хилдаги 105 тонна сара уруғ етказиб бердик, — дейди бош агроном Алишер Ғаффоров. — Бу йилги мўлжалимиз янада мўл ва сифатли сабзавот ва уруғ етиштиришдир. Шу мақсадда биринчи галда ерларнинг унумдорлигини оширишга ҳаракат қиляпмиз.

Совхозда махсус группа ташкил этилган. Бу группа механизаторлари экин майдонларига маҳаллий ўғит ташиб чиқариш билан шуғулланмоқда. Шу кунгача ерларга 6800 тоннадан ортиқ ўғинг ташиб чиқарилди. Бунда П. Умарбеков, М. Арзиҳонов, Б. Ярашбоев сингари механизаторларнинг ҳиссаси катта бўлаётир.

Совхозда мўл сабзавот ва сара уруғ етиштириш учун бўлимлараро ва бригадалараро социалистик мусобақа ташкил этилган. Мусобақа шартининг бажарилиши йил ўн икки ой назорат қилиб борилади. Ҳ. Мирзаев, С. Темирбеков ва К. Ашрапов ўртоқлар етакчилигидаги бўлимларнинг деҳқонлари бу борада барчага ибрат бўлишяпти.

Хўжалик сабзавоткорлари ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳар гектар ердан 300 центнердан ошириб маҳсулот олишга ва 115 тонна сара уруғ етиштиришга аҳд қилишган.

Ҳ. ШАРИПОВ.

ХАЛҚИМИЗНИНГ МУНОСИБ ВАКИЛЛАРИ

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советига 1985 йил 24 февралда сайланган депутатлар

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Колесников Владислав Николаевич — Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, 1-Фурманов округи.

Захриддинов Гулом Захриддинович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг транспорт ва алоқа бўлими мудири, 2-Октябрь округи.

Дудин Краснослав Петрович — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари, 3-Фарҳод округи.

Камолов Ҳожиакбар Камолович — Ўзбекистон Компартияси Акмал Икромов район комитетининг биринчи секретари, 4-Чопонота округи.

Дмитриенко Лариса Владимировна — «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бригада бошлиғи, 5-Подмосковье округи.

Шаҳидова Феруза Оқиловна — Тошкент заргарлик заводининг ишчиси, 6-Промишленний округи.

Беккулбекова Лидия Шахтухатовна — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратининг масъул ходими, 7-Центральний округи.

Ҳабибуллаев Мухтор — 11-«Висотстрой» трестининг бригадири, 8-Саноат округи.

Раҳимов Комилжон — Ўзбекистон ССР алоқа министри, 9-Юнусобод округи.

Полтаева Фелюра Аҳмадовна — «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бичиқчиси, 10-Шодлик округи.

Логачев Анатолий Александрович — «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр слесари, 11-Комсомол округи.

Икромов Анвар Солихович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети енгил саноат ва халқ истеъмол моллари бўлимининг мудири, 12-Киров округи.

Осетров Тимофей Николаевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари, 13-Пушкин округи.

Зинчук Сергей Григорьевич — «Главташкентстрой» 4-қурилиш трестининг бригадири, 14-Урицкий округи.

Мирсандов Шукрулла Раҳматович — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси, 15-Луначарский округи.

Холиқова Ноила Лутфуллаевна — «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр сим ўровчиси, 16-Куйбишев округи.

Шамсуддинова Алефтина Ивановна — Тошкент граммпластинкалар заводининг гальваниги, 17-Висковольтний округи.

Мусин Ирик Харасович — СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, 18-Оржоникидзе округи.

Виприцкая Раиса Тарасовна — Тошкент экскаватор заводининг токари, 19-Красновосточний округи.

Марченко Татьяна Федоровна — Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг трамвай ҳайдовчиси, 20-Ленин округи.

Кочкова Татьяна Николаевна — В. И. Ленин номидаги Тошкент Электрон техника заводининг йиғувчиси, 21-Кафанов округи.

Маршалов Евгений Александрович — Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-ремонт заводининг пўлат қуювчиси, 22-Темир йўл округи.

Умарова Дилором Мажидовна — Тошкент «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористи, 23-Биринчи май округи.

Асепков Юрий Асраилович — Ўзбекистон КП Ленин район комитетининг биринчи секретари, 24-Пролетар округи.

Егорова Ольга Викторовна — «Матбуот» ишлаб чиқариш полиграфия бирлашмасининг ҳарф терувчиси, 25-Москва округи.

Лапкин Кузьма Иванович — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, 26-Жданов округи.

Бобожонова Гулчеҳра Йўлдошевна — А. Р. Беруний номидаги Тошкент Политехника институтининг студенти, 27-Ўзбекистон округи.

Пўлатов Салим — Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министри, 28-Большевик округи.

Қодирова Тўлқиной Фозилжоновна — Ўзбекистон архитекторлар союзи правлениесининг раиси, 29-Тельман округи.

Азларова Маҳбуба Акрамовна — Тошкент чарм-галантерея ва спорт моллари ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси, 30-Каттабоғ округи.

Прохорова Алла Николаевна — Тошкент агрегат заводи техника контроли бўлимининг контролёри, 31-Профессорлар округи.

Рибакова Светлана Васильевна — Главташкентстрой «Жилстрой» трестининг пайвандчиси, 32-Қорақамиш округи.

Сирожиддинов Саъди Ҳасанович — В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг ректори, 33-Университет округи.

Фозилбеков Адҳамбек Иброҳимович — Ўзбекистон КП Собир Раҳимов район комитетининг биринчи секретари, 34-Боробий округи.

Кретов Вячеслав Гаврилович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъмурий органлар бўлимининг мудири, 35-Собир Раҳимов округи.

Эргашева Гўзал Султоновна — Тошкент чинни заводининг ишчиси, 36-Янги турмуш округи.

Баратбоева Ҳабиба Каримовна — бош кийимлар фабрикасининг тикувчи-мотористи, 37-Чуқурсой округи.

Султонова Сайёра Умаровна — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, 38-Карбишев округи.

Аҳмедов Қудратилла Аҳмедович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси, 39-Сергели округи.

Саримсоқов Ғайрат Абдужалилович — Тошкент бирлашган авиация отряди ИЛ-86 самолётининг командири, 40-Чоштепа округи.

Талкина Нина Ивановна — Ш. Р. Рашидов номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг ип ўровчиси, 41-Фрунзе округи.

Савчук Петр Иванович — «Отделстрой» трестининг бўёқчилар бригадири, 42-Таштекстильмаш округи.

Хўжаева Санобар Аҳроловна — Ўзбекистон КП Фрунзе район комитетининг биринчи секретари, 43-Дзержинский округи.

Толстикова Дина Дмитриевна — «Таштекстильмаш» заводининг стерженчиси, II ва III даражали Шуҳрат орденлари кавалери, 44-Тўқимачилик округи.

Ғуломов Ҳамидулла Ҳабибуллаевич — «Ташсельмаш» заводининг директори, Жуковский округи.

Журавлёв Василий Николаевич — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, 46-Жуковский округи.

Азаматов Эргаш Алимович — Тошкент шаҳридаги 2-автомобиль паркининг автобус ҳайдовчиси, 47-Шумилов округи.

Маннопов Назрилла — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи-слесари, 48-Горький округи.

Бочков Виктор Васильевич — «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари, 49-Оҳунбобоев округи.

Шканакин Владимир Геннадьевич — Қизил байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи Ҳарбий-ҳаво кучларининг қўмондони, 50-Калинин округи.

Нажмиддинов Фазлиддин Насриддинович — Ўзбекистон КП Ҳамза район комитетининг биринчи секретари, 51-Ҳамза округи.

Жонибеков Владимир Александрович — СССР-нинг космонавт-учувчиси, 52-Қизил Армия округи.

(Давоми 2-бетда).

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАН

ОРЗИҚИБ КУТИЛГАН ТРАКТОР

Тошкент трактор заводининг топшириш майдончаси «Қишлоқ меҳнатчиларига — янги техника» деган ёрқин плакатлар билан безатилди. Янги бўёқдан чиққан тракторлар бир текис саф тортиб турибди. Машинасозлар катта байрамни нишонламоқдалар. Кабиналари зич ёпиладиган тракторларнинг биринчи туркуми 27 февраль куни тайёрлаб чиқарилди.

Кабинанинг эшик ва деразаларидан ҳаво ўтмайди, уларга самарали фильтрлар ва ҳавони намлаб берувчи ускуналар ўрнатилган, қишда кабина иситилса, ёзда совуткич ишга солинади. Тракторчи шовқин ва чангдан азоб чекмайди, самолёт ўриндиғи типидаги креслода роҳат қилиб ўтиради.

Янги тракторни ишлаб чиқариш учун Тошкент трактор заводининг кўпгина бўлинмаларини реконструкция қилиш керак бўлди. Кабина цехидан ташқари, механика, қуюв, асбобсозлик — штамповка цехларидаги янги линия ва участкалар белгиланган вақтда ишлай бошлади. «Союзмашхолдинг» нинг бирлашмаси таркибида барпо этилган Юқори Чирчиқ тажриба заводи трактор кондиционерларини етказиб бериш вазифасини ўз зиммасига олди.

Янги трактор — бирлашма бутун коллективининг маҳсулотидир.

Сулаймон Идёсов бригадаси эшик ва деразалари зич ёпиладиган кабина ишлаб чиқаришни худди белгиланган муддатда — уч ой ичида ўзлаштирди. Бригаданинг ўн тўққиз аъзоси ҳаммаси юксак малакали чапдаст усталардир. Александр Перилов бошлиқ йиғувчи — слесарлар бригадаси кабиналарни тракторларга ўрнатиш соҳасида меҳнат унумдорлигини оширишнинг кўпгина резервларини қидириб топдилар.

Бу кунни Рустам Маҳкамов ҳам узоқ вақтгача эслаб юради. У меҳнат беллашувида «ТТЗ нинг энг яхши ёш синовчи — тракторчиси» номини олди. Мана шунинг мукофоти сифатида унга янги тракторни тайёр маҳсулот омборига бошқариб бориш ҳуқуқи берилди, бу ерда тракторни «Сельхозтехника» вакиллари қабул қилиб олдилар.

...Кабиналари маҳкам беркиладиган тракторларнинг биринчи туркумини қабул қилиб олиш тўғрисидаги акт митинг вақтида тантанали вазиятда имзоланди. Завод коллективи КПСС нинг бўлажак XXVII съезди шарафига бу йил мамлакат пахтакорларига беш мингта ғоят қулай трактор бериш тўғрисида қабул қилган социалистик мажбуриятини бекамкўст бажаришга аҳд қилганлигини тасдиқлади: мамлакат пахтакорларига бу йил беш мингта ғоятда қулай трактор етказиб берилади. Янги беш йилликда эса бундай машиналардан йилига 25 мингта ишлаб чиқаришга тўла-тўкис ўтилади.

Э. ШАЛЬ.
ЎзТАГ мухбири.

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида ташкилий масала кўриб чиқилди.

Пленум Л. А. Лигайни район партия комитетининг иккинчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод этди.

Пленум Тошкент олий партия мактаби тингловчиси А. Ф. Пшеничновни Ўрта Чирчиқ район партия комитети составига киритди, район партия комитети бюро аъзоси ва иккинчи секретари қилиб сайлади.

Пленум ишида Тошкент область партия комитетининг секретари Ш. З. Камолхўжаев нутқ сўзлади.

ИНСТИТУТГА БАЙРОҚ

Ўзбекистон Фанлар академияси ядро физикаси институтининг коллективи республика фанини ривожлантириш ишига муайян ҳисса қўшмоқда.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришганлиги, 1984 йилги иқтисодий ва социал ривожланиш планини муваффақиятли бажарганлиги учун коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева институт коллективига юксак мукофотни топширди.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚИМИЗНИНГ МУНОСИБ ВАКИЛЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Гусев Юрий Александрович — Қизил байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи штабининг бошлиғи, округ қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари, 53-Гвардия округи.

Эшонтўраева Сора — Ўзбекистон театр жамияти правлениесининг раиси, Ҳамза номидаги театр артисти, 54-Гагарин округи.

Ғабиев Тўлаган — Ўзбекистон ССР Тошкент шаҳридаги қурилиш бош бошқармасининг бошлиғи, 55-Қатортол округи.

Ражабов Раҳим — Тошкент механика заводининг директори, 56-Дўстлик округи.

Галан Лариса Андреевна — «Главташкентстрой» 153-қурилиш трестининг гишт терувчиси, 57-Қурилиш округи.

Семенов Павел Васильевич — «Ташметрострой» трестининг бошқарувчиси, 58-Дўмробод округи.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

Ҳайдарова Шоҳида — Ўзбекистон ССР қурилиш ишлари Давлат комитетининг раиси, 59-Олмалиқ округи.

Сигедин Виталий Николаевич — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг директори, 60-Олтинтопкан округи.

Мирқосимов Мираҳмад Мирҳожиевич — Ўзбекистон Компартияси Олмалиқ шаҳар комитетининг биринчи секретари, 61-Қурилиш округи.

Ницель Наталья Владимировна — Ангрендаги «Резинотехника» заводининг елимловчиси, 62-Шахтёр округи.

Иванцов Юрий Евгеньевич — «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Ангрен» разрезининг экскаватор машинисти, 63-Энергетика округи.

Шчигельчева Ирина Алексеевна — Янги Ангрен ГРЭСи қурилиш бошқармасининг бошлиғи, 64-Юбилей округи.

Шейкин Сергей Николаевич—Оҳангарондаги «Стройпластмасс» комбинатининг слесари, 65-Оҳангарон округи.

Тошмуҳамедов Темур Анварович — Бекобод цемент комбинати айланма печларининг машинисти, 66-Фарҳод округи.

Эргашева Жамила Асатовна — В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг оператори, Бекобод шаҳри, 67-Металлургия округи.

Нестеренко Сергей Михайлович — Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг иккинчи секретари, 68-Пролетар округи.

Рўзметова Зинаида Ивановна — Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг аппаратчиси, 69-Химзавод округи.

Анисимкин Иван Георгиевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари, 70-Ленин округи.

Нижник Надежда Михайловна — Чирчиқ трансформатор заводининг лакловчиси, 71-Комсомол округи.

Икматова Арзихон — Янгийўл пойабзал фабрикасининг ишчиси, 72-Янгийўл округи.

Догонкин Петр Васильевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири, 73-Янги ҳаёт округи.

Бельцев Валерий Николаевич — Тозалаш забойи кон ишчиси, 74-Янгиобод округи.

Қосимов Шавкат Холтоевич — Оққўрғон район Марказий касалхонаси хирургия бўлимининг мудири, 75-Оққўрғон округи.

Тошев Саидраҳмон Абдураҳмонович — Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг механизатори, 76-Алимкент округи.

Эгамбердиева Рисқибу Усмоновна—Оҳангарон районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозининг чорвадор-оператори, 77-Қорахитой округи.

Алимов Темур Аъзамович — Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг биринчи секретари, 78-Тилов округи.

Мирсолиев Турсунбой — Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз бригадири, 79-Пушкин округи.

Абдураззоқов Баҳодир Аббосович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ахборот ва чет эллар билан алоқа бўлимининг мудири, 80-Зафар округи.

Исроилова Зулфия — шоира, «Саодат» журналининг редактори, 81-Чаноқ округи.

Жўраева Қутби — Бўстонлиқ районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозининг аъзоси, 82-Искандар округи.

Абдухолиқов, Аширбек — Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз правлениесининг раиси, 83-Ғазалкент округи.

Ҳамидов Азиз Ҳакимович —Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министри, 84-Чорвоқ округи.

Мамедов Кибор Бакирович — Ўзбекистон КП Бўка район комитетининг биринчи секретари, 85-Бўка округи.

Боева Муҳаббат Шукуровна — Бўка районидаги Фрунзе номли колхоз аъзоси, 86-Кўқорол округи.

Алиев Энвер — «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» тажриба хўжалигининг звено бошлиғи-тракторчиси, 87-Новая жизнь округи.

Толипов Юсуф — Ўзбекистон КП Ғалаба район комитетининг биринчи секретари, 88-Солдатский округи.

Клепиков Александр Федорович — Тошкент область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари вазифасини ижро этувчи, 89-Димитров округи.

Каримов Дадақўзи — Калинин районидаги Калинин номли колхознинг бош агрономи, 90-Назарбек округи.

Раҳмонбердиев Асқар Собирович— Тошкент область Калинин районидаги «Қорасув» совхозининг бригадири, 91-Қатортол округи.

Умарова Муҳаббат Тўлаганбоевна — Калинин районидаги Свердлов номли совхоз ишчиси, 92-Свердлов округи.

Бакиров Аппаз Есхўжаевич — Калинин районидаги Охунбобоев номли совхоз директори, 93-Калинин округи.

Мирзақулов Уммат Маматқулович — Ўзбекистон КП Коммунистик район комитетининг биринчи секретари, 94-Янгибозор округи.

Хван Ман-Гим Григорьевич — Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози правлениесининг раиси, 95-Бордонкўл округи.

Пискунов Борис Анатольевич — Ўзбекистон ССР саноат паррандачилиги давлат комитетининг раиси, 96-Қибрай округи.

Салимова Мактуба Ёқубовна — Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозининг сут соғувчиси, 97-Салор округи.

Сайдалиев Сайфулла Давирович — Ўзбекистон КП Оржоникидзе район комитетининг биринчи секретари, 98-Байтқўрғон округи.

Шукурова Муҳаббат — Паркент районидаги «Коммуна» совхозининг сут соғувчиси, 99-Паркент округи.

Тошқулов Сергей Тошқулович — Тошкент область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, 100-Намданак округи.

Эгамбердиева Зебинисо Турсунбоевна — Пискент районидаги «Пискент» совхозининг ишчиси, 101-Пискент округи.

Аббосова Ойдин Солиховна —Ўзбекистон ССР маориф министри, 102-Саид округи.

Рўзматов Миразиз —Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз правлениесининг раиси, 103-Охунбобоев округи.

Ҳасанова Умри — Ўрта Чирчиқ районидаги В. Терешкова номли колхоз правлениесининг раиси, 104-Оржоникидзе округи.

Ражабова Ҳалима Тожибоевна — Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси, 105-Пахтаобод округи.

Сандхўжаев Абдуҳамид— Тошкент область ижроия комитети раиси вазифасини ижро этувчи, 106-Тўйтепа округи.

Исоқова Мунаввар — Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси, 107-Гулистон округи.

Раҳимбобоева Заҳро — Ўзбекистон ССР маданият министри, 108-Келес округи.

Мирзаев Маҳмуд Мирзаевич — академик Р. Р. Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, 109-Киров округи.

Болтабоева Муборак — Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси, 110-Чиноз округи.

Орипжонов Маҳмуд Марипович — КПСС Марказий Комитети аппаратининг масъул ходими, 111-Олмазор округи.

Норқулова Ғубихол Мусировна — Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг сут соғувчиси, 112-Эски Тошкент округи.

Исматов Маҳмуд — Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози правлениесининг раиси, 113-Куйбишев округи.

Исроилова Насиба Алимбоевна — Янгийўл районидаги «СССР 60 йиллиги» колхозининг аъзоси, 114-Ниёзбоши округи.

Қурбонов Собитхон —Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири, 115-Эскиқовунчи округи.

МЕҲНАТКАШЛАРГА ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ БЕРИШНИ ЯХШИЛАЙЛИК

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮНЬ (1983 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

Ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг ҳозирги босқичида партиянинг куч-ғайрати фан-техника тараққиётини янада жадаллаштириш, социалистик хўжалик юритишни бутун чоралар билан такомиллаштириш, унинг форма ва методларини яхшилаш асосида мамлакат экономикасини интенсивлашни тезлаштиришга қаратилган.

Иқтисодий ва социал-сиёсий тараққиётда меҳнаткашларнинг чуқур билими, юксак онглилиги ва маданиятига таянмай туриб юқори натижаларга эришиб бўлмайди. КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларида баён этилган партиянинг чинакам новаторларча, чуқур ижодий хулосалари ва йўл-йўриқлари барча меҳнаткашлар томонидан ўзлаштирилиши, аслини олганда, ижтимоий онгни қайта йўлга солишни билдиради. Шунинг учун, деб таъкидланади КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг сайловчилар билан учрашувдаги нутқида, ҳар бир совет киши қилинадиган ишларнинг миқёсларини равшан англаши, уларни бажаришга тайёр бўлиши, ғайрат-шижоат, ташаббускорлик билан меҳнат қилиши керак.

Ҳозирги пайтда иқтисодий таълим иқтисодий тафаккурнинг янги типини шакллантиришга, меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришда, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашда кенг иштирок этишларига кўмаклашишга даъват этилгандир. Ана шу мақсадга қаратилган ғоявий-назарий, пропаганда ишининг аҳамияти ғоят каттадир.

Муайян ишлаб чиқаришда, муайян тармоқда меҳнат унумдорлигини ошириш, моддий ва меҳнат ресурсларини қатъий тежаш учун нима қилиш керак? Бугун ҳаёт ўртага қўяётган бу саволларга ўз вақтида аниқ жавоб қайтариш кўп жиҳатдан кадрларимиз —ишчи ва колхозчилар, мутахассислар, хўжалик раҳбарларининг иқтисодий тайёргарлиги савияси билан белгиланади.

Иқтисодий таълимнинг янги системаси меҳнаткашларга зарур назарий билимлар бериш, уларни ғоявий жиҳатдан чиниқтириш мақсадларига қаратилгандир. Бу система тарбиявий ва хўжалик ишининг муҳим таркибий қисми бўлиб қолди. Унинг йўналишлари ва мазмуни КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларга иқтисодий таълим бериш ва уларни тарбиялашни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида белгилаб берилган. Бу қарорда партиянинг кадрларга иқтисодий таълим бериш бўйича кўрсатмалари янада ривожлантирилди ва конкретлаштирилди.

Областнинг кўпгина партия, касаба союз, комсомол ва хўжалик органлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларига амал қилиб, иқтисодий таълимни такомиллаштириш, меҳнаткашларни беш йилликнинг хўжалик ва социал-иқтисодий вазифаларини бажаришга сафарбар этишда унинг ролини ошириш соҳасида муайян иш қилдилар.

Ҳозир областимизда иқтисодий таълимга 328 минг тингловчи жалб қилинган. Уларнинг қариб учдан бир қисми иқтисод ва тежамкорлик проблемалари бўйича, тўртдан бир қисми фан-техника тараққиёти, 12 процентдан кўпроғи хўжалик механизмини такомиллаштириш масалалари бўйича курсларда ўқимоқдалар. Иқтисодий таълим системасининг пропагандистлари областимиз идеологик активининг энг кўп сонли отрядларидан биридир. Қариб ўн бир минг нафар пропагандист оммага иқтисодий билимларни ўргатяпти. Уларнинг 65 процента корхоналар, ташкилотлар, улар бўлинмаларининг раҳбарлари дир.

Пропагандистларнинг аксарият кўпчилиги чуқур иқтисодий билимга эгадирлар. Улар ўз коллективларида ишчанлик, уюшқоқлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Машғулотлар ўтказиш жараёнида ҳамда амалий ишда улар меҳнаткашларда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантирадилар, ўз тингловчиларини уюшқоқлик, ишбилармонликка, масъулиятни ҳис этишга ўргатадилар.

Тошкент ва Олмалиқ шаҳар партия комитетлари, Ленин район партия комитети меҳнаткашларнинг иқтисодий таълими билан боғлиқ масалаларни доимо диққат-марказида тутади. Бу партия комитетлари иқтисодий таълимга кадрлар билан ишлашнинг таркибий қисми сифатида қарайдилар, бу мақсадларда иқтисодий таълим бўйича советлардан, ўқувнинг перспектив планлаштиришдан моҳирона фойдаланадилар.

Корхона ва коллективларда меҳнаткашларнинг иқтисодий таълими ва тарбиясини яхши ташкил этишга оид кўпгина мисоллар келтириш мумкин. Область нон маҳсулотлари ҳамда Тошкент сут бирлашмаларида иқтисодий таълим бўйича беш йиллик планлар муваффақиятли бажарилмоқда. Бу ерларда ҳар йили ходимларнинг 35—40 проценти иқтисодий ўқувга жалб этилади. Пропагандист кадрларни ўқитиш ҳам йўлга қўйилган. Улар ўқув қуроллари, методик қўлланмалар, қўшимча материаллар билан таъминланган. Шуниси диққатга сазоворки, энг аввало, бирлашмаларнинг раҳбарлари иқтисодий таълим тўғрисида ғамхўрлик қиладилар. Бу билан улар тармоқ ходимларига яхши намуна кўрсатяптилар.

Кадрларнинг иқтисодий тайёргарлиги ишга ижодий ёндошувни, меҳнаткашларни ўқитиш ва тарбиялашнинг янги форма ва методларини қидириб топишни талаб этади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ республика қишлоқ хўжалиги министрлигининг хўжалик ва ташкилотларида тажриба тариқасида иқтисодий ўқувни ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда, социалистик экономика мактабларида ўқитиш йўлга қўйилди.

Бу ўқувга Оржоникидзе, Бекобод, Бўстонлиқ районларининг партия, касаба союз ва хўжалик органлари мактабларида иқтисодий таълим бериш ва уларни тарбиялашни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида белгилаб берилган. Бу қарорда партиянинг кадрларга иқтисодий таълим бериш бўйича кўрсатмалари янада ривожлантирилди ва конкретлаштирилди.

Область пассажирлар ташиш трести, «Ташавтотехобслуживание» бирлашмаси, область маиший хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги бошқармалари, «Ташкентводстрой» трести, 6-қурилиш трестининг иқтисодий таълим бўйича советлари фаолиятида ҳам ана шундай камчиликлар аниқланди.

Коммунистик меҳнат мактаблари, иқтисодий таълим мактаб ва семинарлари комплектланиб, юқори органларга ҳисоботлар берилгандан сўнг иқтисодий таълим бўйича советлар ўз активликларини кескин камайтириб юборадилар. Ваҳоланки, улар фаолиятида эҳтиёжсизлик давр талабига мувофиқ такомиллаштириш лозим.

Э. ШОДМОНОВ,
Тошкент область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ НИНГ СИРТҚИ АТЕИЗМ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЛМ-ФАН ХУРОФОТГА ҚАРШИ

Бу сафарги машғулотни фалсафа фанлари доктори, профессор Анвар АБДУСАМЕДОВ олиб боради.

2-МАШҒУЛОТ

Маълум тарихий шароитлар натижасида ўрта асрда Ўрта Осиё халқлари араб ҳалифалигига тобе бўлиб қолди. Улар араб босқинчиларининг жабр-зулмларига қарамасдан ўзларининг юксак маданиятини яратдилар, ажойиб прогрессив анъаналарини давом эттирдилар.

Ўрта Осиё халқлари фақат араб истилочиларигагина эмас, шу босқинчиликни оқлаган, уни асослашга уринган ислом динига ҳам қарши қаттиқ кураш олиб бордилар. Хурофот ва жаҳолатга қарши курашда мутафаккирларнинг иштироки жуда катта аҳамият касб этди. Уларнинг жаҳон маданияти хазинасидан муносиб ўрин олган шох асарлари дунёвий фанларга асос солди. Олим ва адиблар материалистик дунёқарашни тарғиб қилдилар.

Ўзбек мутафаккирларининг антиклерикал кайфиятлари тасодифий ҳол эмасди, албатта. Улар, шубҳасиз, эски мактаб таълимини кўрган, шариат дастурларини мукаммал ўрганганлар. Бироқ мутафаккирлар ҳар бир масалага, шу жумладан ислом фалсафасига ҳам халқ манфаати, инсоний ҳуқуқ ва ахлоқ нормалари, эстетик принциплари нуқтаи назаридан қараганлар. Хоҳ диний, хоҳ дунёвий муаммолар шу нуқтаи назардан текширилар экан, аксарият тўғри хулосаларга келиш табиийдир. Шарқ мутафаккирлари Рудакий, Ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Форобий, Фирдавсий, Деҳлавий, Низомий, Жомий, Навоий, Бобур, Машраб ва бошқаларнинг антиклерикализмга мойиллиги, диний ақидаларга танқидий муносабатда бўлишлари ҳам уларнинг динга халқ манфаати нуқтаи назаридан ёндошганликлари билан изоҳланади.

Ўрта аср донишмандлари фалсафага билим деб қараб, уни ривожлантиришга катта аҳамият бердилар. Улар ўз фалсафий тадқиқотларининг марказига табиат ва инсонни қўйдилар, табиатни инсон манфаатларига бўйсундириш, тартиботларни ўзгартириш мумкинлигини кўрсатиб бердилар. Бу олимлар аниқ фанлар: математика, астрономия, медицинани ривожлантиришга, табиатшунослик фанларининг юксалишига катта ҳисса қўшдилар.

Ислом ақидаларига қарши чиққанлар дин пешволари томонидан қувғин қилинди, олимларнинг китоблари оловларда куйдирилди. Жумладан, Фирдавсий қаттиқ таъқиб остига олинди, Беруний бир неча йиллар давомида қулликда сақланди, Ибн Сино бегона юртларда сарсонлик-саргардонликда юришга мажбур бўлди. Шунга қарамай мутафаккирлар диний хурофотларга қарши курашни давом эттиравердилар, халққа ҳақиқат йўлини йўлчи ялдуздек кўрсатиб турдилар.

Улардан бири Абу Носир Форобий эди. Форобийнинг ижоди кўп қиррали бўлиб, у этика, сиёсат, психология, табиатшунослик ва музика соҳаларида катта ,муваффақиятларга эришди. У ислом динининг табиат ҳодисаларини оллоҳнинг қудрати ва донишмандлиги билан тушунтиришларига қарши чиқиб, ҳамма нарса материядан иборат, деб таълим берди.

Фанатик Маҳмуд Ғазнавийнинг асири бўлиб қолганлигига қарамай Абу Райҳон Беруний илмий изланишларини давом эттирди. Султоннинг олтинлари ҳам, дўқ-пўписалари ҳам уни ислом дининг ҳизматкорига айлантира олмади. Беруний ислом дининг олам тўғрисидаги қоидаларини инкор қилиб, ўтмиш авлодларининг астрономик қарашларини, ўз кузатишларини баён қилиб берди. У қунт билан турли халқлар тарихи, маданияти ва тилларини ўрганди. Беруний яҳудий, юнон, форс, араб, суғдий ва бошқа тилларни эгаллаган. Яҳудий ва христиан динлари тарихи, Таврот ва Инжил билан чуқур танишган.

Олим ислом динидаги мазҳабларга бефарқ қарайди. Пайғамбарлар, муқаддас китоблар ҳақида сўз юритиб, на инжиллар, на пайғамбарлар орасида биронта ҳам ишончлиси йўқ, деган хулосага келади.

Берунийнинг фикрича, материя ҳамма нарсанинг асоси ҳисобланади. «Ҳамма ҳаракатлар материядан келиб чиқади. Нарсаларнинг шаклини материянинг ўзи қўшиб ва ўзгартириб туради», деб ёзган эди у. Олим диннинг фан ишларига, илмий соҳага аралашмаслигини талаб этди: «Ўзлари билмайдиган нарсаларни худонинг донолигига ёпиштирувчи баъзи кишилар мен билан баҳслашадилар. Оллоҳ зўр қудратга эга дейиш билан улар ўзларининг нодонликларини оқлайдилар».

Бутун инсоният маданиятини ривожлантиришга буюк ҳисса қўшган мутафаккирлардан бири — Абу Али Ибн Сино ҳам диний тушунчаларга қарши чиққан. Аристотель материализмидаги камчиликларни тузатиб, бу таълимотни янада бойитган. Унинг фикрича, ақл, идрок актив, ижодий куч бўлиб оламни билиш қуроли ҳисобланади. Ўша вақтда ислом дини таълимотига мутлақо зид бўлган бундай фикрларни айтишнинг ўзи катта жасорат эди. Ибн Сино эса олам ички қонунлар асосида бошқарилади, дейишга ҳам журъат этди. Унинг таълимотига кўра, сабабсиз ҳеч нарса содир бўлмайди, одам билмайдиган, қонуниятга бўйсунмайдиган ҳеч қандай иккинчи дунёнинг бўлиши мумкин эмас. Материя бўлмаса худо ҳеч нарса ярата олмайди. Турли формаларга кирадиган ва ниҳоясиз бўлган борлиқ мавжуд. Бу борлиқ материя, деб аталади.

Материянинг объектив равишда мавжудлигига, абадий эканлигига Ибн Синонинг ишончи комил. Табиатда юз берадиган барча ҳодисаларни унинг ўз қонуниятларидан келиб чиқишини таъкидлайди. Буларга ғайритабиий кучларнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ дейди. У даҳрий бўлганлигим учун ўз олдимда якка ўзим жавоб бераман дейишга ҳам журъат қилган.

XV асрда Навоий ва Улуғбек ҳам исломнинг ортодоксал фалсафасини ғанқид қилдилар. Буюк Навоийнинг ушбу биргина шеъри унинг қарашларидан ёрқин далолат беради:

Зоҳид, сенга ҳуру менга жонона керак,
Жаннат сенга бўлсин, менга майхона керак.
Майхона аро соқию паймона керак,
Паймона неча бўлса тўла ёна керак.

Ўрта Осиёда тараққийпарвар кишилар мазлум халқнинг аҳволини яхшилаш йўлларини қидириб мавжуд тартиботга, демак исломга ҳам қарши кураш олиб бордилар. XIX аср охири ва XX аср бошларида феодал-диний идеология ҳукмронлик қилган ўлкада янги прогрессив оқим вужудга кела бошлади. Араблар истилосидан бошлаб шу давргача Ўрта Осиёда асосан антиклерикализм мавжуд бўлган бўлса, XX аср бошларида эса атеистик кайфиятлар ҳам туғилди. Бунда Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши ҳам муҳим роль ўйнади. Аҳоли онгида атеистик ва материалистик қарашларни шакллантиришда илғор маърифатпарварларнинг хизматлари каттадир. Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий, Ҳамзалар ана шундай маърифатпарварлардан эдилар.

Аҳмад Дониш ўз даврининг ҳар томонлама етук олими, жамоат арбоби эди. У сайёраларнинг ҳаракатини кузатиб, ислом динининг оламнинг маркази — Ер деган таълимотини рад этди. У гелиоцентрик системани илмий жиҳатдан асослаб беришга ҳаракат қилди. Олим имкони борича маҳаллий халқни рус маданиятини ўрганишга чақирди, илмни толмай тарғиб этди. Ваҳоланки, Дониш ислом дини ва реакция авжига чиққан Бухорода яшаб ижод қиларди. У ўлкада сиёсий, иқтисодий қолоқлик ҳукмронлик қилганлиги сабабли материалист даражасигача кўтарила олмади.

У астрономия соҳасидаги ўз табиий-илмий қарашларида планеталарнинг ҳаракати, Қуёш, Ойнинг тутилиши, ер қимирлаши сабабларини табиат ҳодисаларининг ўзаро муносабатларидан топишга ҳаракат қилди.

Ислом динини ҳар томонлама ва онгли равишда танқид қилган маърифатпарварлардан бири Фурқат эди. Унинг динга қарши қаратилган асарларида материалистик тенденция кучлидир. Фурқат халқ аҳволини яхшилашнинг ягона йўли уни маърифатли қилишдадир, деб ҳисобларди. Шеърларида феодал тузумини, бой ва хонларнинг жаҳолатпарастлигини, диний ақидалар ва шариат пешволарини кескин танқид қилди.

Антиклерикал адабиётнинг ривожланишига Муқимий ҳам катта ҳисса қўшди. У ўз асарларида диний идеологиянинг реакционлигини, халқни эзишда бир қурол эканлигини фош қилиб ташлайди. Шоир жамиятнинг синфийлигини, антогонистик синфлар кураши жамият тараққиётини олға силжитувчи куч эканлигини тушунишгача бориб етмаган бўлса-да, жамият турли табақалардан иборат эканлигини, золим ва мазлумларга бўлинишини англаб етди. Унинг асарлари синфий ва атеистик тушунчаларнинг пайдо бўлишида муҳим аҳамият касб этди. Муқимий руҳонийларни, дин байроғи, шариат, ота-боболарнинг урф-одатлари ҳимоячилари ниқобида ўз манфаатлари йўлида иш тутаётганларни адолат душманлари, деб ҳисоблади. Унинг рўза ҳақидаги шеърлари бунинг далилидир.

1905—1907 йиллардаги Россиядаги революция натижасида Ўрта Осиёда буржуа муносабатлари шакллана бошланди. Ўзбекистонда ҳам ишчилар ҳаракати ўса бошлади. Натижада ишчилар, деҳқонлар манфаатини кўзлайдиган идеология вужудга келди. С. Айний, Ҳамза бу идеологиянинг оташин тарғиботчилари, эскиликка қарши матонатли курашчилар бўлиб майдонга чиқдилар.

Ҳамза ўзининг илк ижодида Муқимий, Фурқат, Завқий сингари шоирларнинг маърифатпарварлик анъаналарини давом эттирди. Революция арафасида эса унинг шеърлари исёнкорлик руҳи билан янгради.

Шундай қилиб Ўрта Осиё мутафаккирлари ва маърифатпарварлари феодал тузум, динга қарши кураш жараёнида материалистик ва атеистик қарашларни вужудга келтирдилар. Бу Октябрь революцияси ғалабасидан сўнг ўлкада атеизмнинг тўла қарор топишига зарур шарт-шароитларни яратди.

МУСТАҚИЛ ШУҒУЛЛАНИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР

Э. ЮСУПОВ. **Фан билан диннинг қарама-қаршилиги.** Ўздавнашр. 1959 йил.

М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, А. ВАЛИЕВ. **Ўзбек мутафаккирлари дин ҳақида.** Ўздавнашр. 1961 йил.

А. АБДУСАМЕДОВ. **Ўзбекистонда атеистик дунёқарашнинг қарор топиши.** «Ўзбекистон» нашриёти, 1973 йил.

А. МАСОЛИЕВ, Р. ТУРОБОВ. **Шарқ мутафаккирлари дин ҳақида.** «Ўзбекистон» нашриёти, 1972 йил.

АТЕИСТ ЁН ДАФТАРИГА

Каъбаю бутхона қуллик хонаси,
Бутхона занги ҳам шум таронаси,
Меҳробу калисо, тасбиҳу салиб—
Барчаси қулликнинг бир нишонаси.

Умар ҲАЙЕМ.

Иш аҳли агар нолаю фарёд чиқарса,
Масжид куяру вонзу минбар чидаёлмас.
Ишқ сурасидан гар ўқисам сура баякбор
Бешубҳа билинг, ояти қуръон чидаёлмас.

Боборажим МАШРАБ.

Бошларида шапка гоҳе, гоҳ дастор авлиё,
Қўлларида субҳаю бўйнида зиннор авлиё.
«Тавба» денг, охир замона чиқса бу янглиғ чибок
Ҳар хотинга ошиқу, ҳар қизга хуштор авлиё...

Шул эрур кашфу каромотики бўйлаб субҳу шом,
Чиқса ҳар ердан бир нс ҳозир хабардор авлиё.

МУҚИМИЙ.

Бирингиз қози, бирингиз аъламу муфти бўлиб,
Бу не ойин эрдиким, сизлар намоён этдингиз.
Бизни айлаб хору-зору нотавон этмоқ учун,
Бермайин осор хўрлик, банди зиндон этдингиз.

Авез ЎТАР.

КОМСОМОЛ ҲАЁТИ САҲИФАСИ

ҚЎРИҚ — ЁШЛАР ИЗМИДА

Қалб амри билан Россиянинг ноқоратупроқ зонасини, республикамизнинг қўриқ ерларини ўзлаштиришга отланаётган комсомол-ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Улар бошлаган янги ташаббусларни Тошкент область комсомол комитети секретари Б. Ғойибов қуйидагича шарҳлайди:

Тошкентлик йигит-қизларни ҳозир кўпгина зарбдор объектларда кўриш мумкин. Россиянинг ноқоратупроқ зонасини ўзлаштириш бўйича бошланган ташаббусга ҳам областимиз ёшлари биринчилар қатори қўшилишган эди. Беш йилликнинг ўтган даври мобайнида мингдан ортиқ йигит-қиз Иваново областига жўнаб кетди. Улар ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаб «Ўзбекистон» ва «Дружба» совхозларини бунёд этдилар.

Область комсомол комитетига Ивановодан келиб турган хатларда комсомол йигит-қизларимизнинг фидокорона меҳнатлари ҳақида ҳикоя қилинади. У ерда меҳнат қилаётган комсомол-ёшлар коллективларидан бирига Аҳмаджон Иўлдошев раҳбарлик қилмоқда. Ёш коммунист А. Иўлдошев 6-трестга қарашли 365-кўчма механизациялашган колоннада инженер бўлиб меҳнат қилар эди. Ноқоратупроқ зонани ўзлаштириш юзасидан ҳаракат бошлангач у ҳам ташаббускорлар сафига қўшилди. «Чирчиккилстрой» бошқармаси пардозловчилари Юсупжон Соипов, Миркомил Ваҳобов, Ғалаба райнидаги Энгельс номли колхоз қурилиш бригадаси бўёқчиси Лола Сўпихонова каби қалби олов йигит-қизлар унга, издош бўлишди. Мана ҳозир улар Иваново областининг ўзлаштирилган ерларида турар-жойлар, мактаб ва боғчалар бунёд этмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленуми қарорлари ёшларимизнинг сиёсий ва меҳнат активлигини яна ҳам ошириб юборди. Ўртоқ К. У. Черненко Пленумда сўзлаган нутқида «Партия мелиорациялаш программасини комсомолларимиз астойдил маъқуллаб, қўллаб-қувватлайди, деб умид қиладi. Миллион-миллион гектар обод қилинган ерларни совет кишиси хизматига қўйиш — шонли ёшларимизнинг завқшавқли иши бўлиб, бу иш уларни меҳнатда чиниқтиради» деб алоҳида таъкидлаб ўтди. Партиянинг бу даъватига жавобан областимиз йигит-қизлари қўриқ ерларни ўзлаштиришга, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, тупроқ унумдорлигини оширишга отландилар.

Яқинда биз бир группа ёшларни Қарши ва Жиззах чўлларига кузатиб қолдик. Чинозлик механизатор Баҳром Абдусаломов, шофёр Маҳамаджон Нишонбоев, агроном Даврон Тешабоев, келеслик автотранспортчи Даврон Ғуломов Қашқадарё областининг чўл зонасида ташкил этилган Баҳористон районига йўл олдилар. Улар 35-совхозда меҳнат қиладилар. Ўрта чирчиқлик механизатор Анвар Зокиров эса Сирдарё областида ишлаш истагини билдирди. Улар оила аъзолари билан қўриқни бўйсундиришга, чўлларни гулистон воҳага айлантиришга азму-қарор қилишган.

Областимизда ҳам ўзлаштирилиши лозим бўлган ерлар оз эмас. Шу мақсадда Оҳангарон ва Паркент зонасида янги суғориш системалари бунёд этиляпти. Бўстонлиқнинг оби-ҳаёт таралаётган қўриқ зонасида «Чотқол», «Навбаҳор» совхозлари ташкил қилинган. Бу совхозларда комсомол йўлланмаси билан борган йигит-қизлар меҳнат қилмоқдалар. Ўтган йили янги совхозларда ишлаш учун 80 нафар йигит-қизга йўлланма берилди.

Янги жойларда ишлашга бораётган ёшларнинг турғун бўлиб қолишлари учун зарур шароитлар яратиб бериш хўжалик раҳбарларининг муҳим вазифаси эканлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Баъзан ишга келган ёшлар шароитнинг йўқлиги натижасида қайтиб кетишга мажбур бўлмоқдалар. Бундай ҳол «Чотқол» совхозида тез-тез учраб турибди. Совхозда мактаб, болалар боғчаси, клуб йўқ. Медицина ва транспорт хизмати ташкил этилмаган. Шу боисдан ҳам ёшларда қўним йўқ. «Средазирсовхозстрой» системасидаги қурилиш объектларида ишлаётган ёшлар ҳам нормал шароитлар йўқлигидан нолимоқдалар. Яхшиният билан янги ерларни ўзлаштиришга отланган ҳар бир киши ғамхўрлик оғушида бўлмоғи лозим.

> КОМСОМОЛНИНГ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЕТИГА ҚУШАЕТГАН ҲИССАСИ КУЧАЙИБ, КУПАЙИБ БОРАВЕРИШИГА АМИНМАН... БИЗ ЯҚИН БЕШ ЙИЛЛИКДА ВА КЕЛГУСИ АСРНИНГ БОШЛАРИГАЧА МЎЛЖАЛЛАНГАН ПЛАНЛАРНИ ТУЗАЕТГАНИМИЗДА АЙНИ ҲОЗИРГИ ЁШЛАРНИНГ МАҲОРАТЛИ ҚЎЛЛАРИГА, ИЖОДКОР ФИКРИГА, ВИЖДОНЛИ МЕҲНАТИГА КЎП ЖИҲАТДАН УМИД ҚИЛАЯПМИЗ.
>
> К. У. ЧЕРНЕНКО.

● **Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг электроника институтида меҳнат қилаётган ёш олимлар илмий-техника тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ҳозирги кунда лазер нуридан халқ хўжалиги тармоқларида кенг фойдаланиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Суратда: лазер нурланиши ва моддаларнинг узвий алоқаси лабораториясида ёш илмий ходимлардан В. Редкоречев ва инженер Ф. Шарин тажриба ўтказишмоқда.**

М. Нуриддинов фотоси.

Яқинда колхозимиз клубида йиллик ҳисобот мажлиси бўлиб ўтди. Колхоз раиси О. Ковшутов колхозчиларни юбилей йили якунлари билан таништирди.

Ўтган йили колхозимиз аъзолари қийинчиликларни мардонавор енгиб, кенг пайкалларда мўл ҳосил етиштирдилар. Давлатга 4536 тонна пахта, 404 тонна дон, 238 тонна сабзавот, 120,8 тонна гўшт, 748,5 тонна сут ва бошқа хил деҳқончилик маҳсулотлари етказиб берилди.

Айниқса, пахтачиликда эришган ютуқларимиз қувончли бўлди. Давлатга пландагидан 106 тонна кўп «оқ олтин» сотилди. Гектар бошига 33,2 центнердан пахта ҳосили йиғиштириб олинди.

Иғилишда илғорлар қатори Файзулла Маъдиев бошлиқ комсомол-ёшлар коллективи эришган ютуқлар ҳам алоҳида тилга олиб ўтилди. Пахтачиликда ташкил этилган 2 та комсомол-ёшлар бригадасининг бирига коммунист Файзулла Маъдиев раҳбарлик қилиб келяпти. Бригаданинг 26 аъзоси бор. Улар ерга чигит қадашдан тортиб ҳосилни йиғиб олишгача бўлган даврда зўр фидокорлик кўрсатдилар. Пахта тайёрлаш планини салкам 110 процент адо этдилар.

Тоғабек Худойберганов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари ҳам йилни муваффақиятли якунлашди. Ёш пахтакорлар 126 гектар ерда деҳқончилик қилиб, гектар бошига 34 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар. Ҳозирги кунда бригада аъзолари баҳорги экиш кампаниясига қизғин тайёргарлик кўришаяпти. Ёшларимиз иштироки билан 30 та сеялка муддатидан олдин экишга шай қилиб қўйилди. Бу йил биз 1406 гектар ерга чигит экамиз. Гектар бошига 38 центнердан ҳосил олишни мўлжал қилиб қўйдик.

Йигит-қизларимиз ҳар бир жараённи ўз вақтида сифатли бажаришга одатланишган. Бригадаларда тузилган комсомол прожектори постлари иш сифати устидан алоҳида назорат қилиб турибдилар. Айниқса, ҳосил йиғим-теримида прожекторчилар хизмати катта бўлади. Улар ҳар бир машинанинг тўла қувват билан ишлаши устидан кўз қулоқ бўлиб турдилар. Ёшлар активлиги билан ўтган йили машиналарнинг унумдорлиги маълум даражада ошди. Комсомол аъзоларидан Эгамқул Жўраев, Толибжон Ваҳобов ўз машиналари бункеридан 100 тоннадан ошириб «оқ олтин» тўкдилар. Мусобақада ғолиб чиққан Эгамқул ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Энг яхши пахтакорга» деган кўкрак нишони билан тақдирланди. Толибжон эса область комсомол комитетининг фахрий ёрлиғига сазовор бўлди.

Колхозимизда жами 30 механизатор бор. Шулардан 12 нафари комсомол-ёшлардир. Йил бўйи унумли меҳнат қилган ёшларни муносиб тақдирлаб бориш ҳам ёдимизда бўлаяпти. Яқинда биз комсомол аъзоларидан тракторчи Қўчқор Жонгиров ва сувчи Камол Бўрибоевни Венгрия Халқ Республикасига кузатиб қолдик. Улар имтиёзли йўлланма билан дўст мамлакат томон сафарга отландилар. Бошқа ёшлар ҳам меҳнатдан сўнг маданий дам олмоқдалар, саломатликларини мустаҳкамламоқдалар.

ЎЗ ЎРНИМИЗ БОР

Колхоз комсомол комитети аъзоларидан Ҳусниддин Холтўраев ёшларнинг дам олишини уюштириш, спортни ривожлантиришга масъулдир. Унинг ташаббуси билан колхоз клубида 8 та спорт секцияси ишлаб турипти. Ансамблга аъзо бўлган ёшлар эса дам олиш кунлари ўз ота-оналари олдида санъатларини намойиш этмоқдалар.

Комсомол ишларини кучайтиришда колхоз партия комитетининг кундалик ёрдамини сезиб турибмиз. Партия комитети секретари Абдуманнон Қурбонов комсомол ишлари билан шахсан қизиқиб боради. Ўтган йили партком мажлисларида икки марта ҳисоб бердик. Биринчи гал ёшлар ўртасида социалистик мусобақани ташкил этиш қандай самара бераётганлиги ҳақида гапириб бердик. Иккинчи гал эса ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш соҳасидаги масала кўриб чиқилди.

Ҳисоботдан сўнг комсомол ишлари яна ҳам жонланди. Мусобақа ғолибларини рағбатлантириш, ёшларнинг маданий дам олишини уюштириш юзасидан қўшимча чоралар кўрилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон комсомолининг 60 йиллиги, Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига бошланган мусобақа ёшлар ўртасида кенг қулоч ёйган. Комсомоллардан Ўлмасой Тошпўлатова ва Роҳила Туркманидзе сут соғиб олиш тўрт ярим йиллик планини республика комсомолининг 60 йиллиги нишонланадиган кунгача бажаришга сўз бердилар.

Шу ўринда ферма комсомоллари олиб бораётган ишлар ҳақида ҳам гапириб ўтиш жоиз бўлур эди. Ферма цех комсомол ташкилоти сафига 28 йигит-қиз бирлашган. Уларнинг саккиз нафари сут соғувчилардир. Қизлар ўтган йили ўз боқимларидаги сигирларнинг ҳар биридан ўртача 3 минг килограммдан сут соғиб олишди. Энг яхши чорвадорларни биз коммунистик партия сафига тавсия этмоқдамиз. Кейинги йилларда механик Қўлдош Алимов ва сут соғувчи Сўлмас Қосимова партия аъзолигига қабул қилинди. Ҳозир Шоҳида Эшматова партия сафига ўтишга тайёргарлик кўраяпти. Бу, албатта, ёшларга билдирилган катта ишончдир.

Колхоз ишлаб чиқаришининг ҳамма соҳасида комсомол-ёшларнинг ўз ўрни бор. Улар 251 нафар. Комсомолларимиз топширилган вазифани сидқидилдан адо этиб, коллектив ҳурматини қозонишга ҳаракат қилмоқдалар.

Т. НОСИРОВ,
Оққўрғон районидаги Ватанцев номли колхоз комсомол комитетининг секретари.

УРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДА

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАБ

Район комсомол комитетининг хотин-қизлар билан ишлаш Совети самарали фаолият кўрсатиб келаяпти. Советнинг «Қизлар гурунги» лекторийси хўжаликларда бўлиб, хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришдаги муваффақиятларини, янги урф-одатларни тарғиб этаяпти.

Яқинда «Ленин йўли» колхози клубида «Қизлар гурунги» лекторийсининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Ленин комсомолининг шонли 60 йиллигига бағишланди. Лекторий машғулотига қўшни А. Икромов номли, Свердлов номли, Энгельс номли, «Коммунизм» колхозларидан ҳам қаҳрамон оналар, пахтакор, чорвадор қизлар ташриф буюришди. Учрашувда лектор З. Ўрмонова «Ўзбек аёлларининг шонли йўли», врач М. Яхёева «Қизлар — бўлажак оналардир», юрист Ф. Аҳмедгарева «Аёлларнинг ҳуқуқ ва бурчлари» деган темаларда суҳбатлар ўтказишди.

ЛЕНИНЧИЛАР САФИГА

Аълочи, жамоат ишларида актив мактаб ўқувчиларининг 60 нафари яқинда комсомол сафига қабул қилинди.

Бу тантанага таклиф этилган район партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси раиси Ҳ. Ғаффоров ва район Улуғ Ватан уруши ветеранларига кўмаклашувчи группа раиси О. Бердиев комсомолларга партиявий наказ бердилар.

А. ҒУЛОМОВ.

● **Ўрта Чирчиқ районидаги 30-мактабда ёшларни рус тилига ўқитиш яхши йўлга қўйилган. Бу ерда техника восталаридан кенг фойдаланилмоқда. Суратда: ўқувчилар сўзларни тўғри талаффуз этишни ўрганмоқдалар.**

А. Чаплигина фотоси.

КОМСОМОЛДАН — ПАРТИЯГА

ЧОРВАДОРЛАР ИШОНЧИ

Колхоз чорвачилик фермаси цех партия ташкилоти йиғилишида ёш сут соғувчи Дилором Маҳмудовани коммунистлар бир овоздан КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилдилар. Бу ишончдан Дилором чуқур ҳаяжонда эди.

Фермада Дилоромни онасининг қизи дейишади. Онаси Лутфи Абдуллаева ҳам уста сут соғувчилардан. Кўп йиллардан бери фермада меҳнат қилиб коллектив ҳурматини қозонган чорвадорлардан. Бир куни у ишда пайтида уйларига меҳмон келиб қолди. Дарров Дилоромни фермага — онасини чақириб келишга юборишди. Ўшанда ёш қиз онасининг иши билан биринчи бор танишган эди.

— Қарашиб юборақол қизим,— деди ўшанда Лутфи опа.— Сигирларга ем улашиб чиқамизда, кейин бирга қайтамиз.

Дилором олдинига бироз ўйлади. Йўқ, кейин дадил бўлиб тоғорачадаги емларни ҳар бир сигирнинг олдига қўйиб чиқди. Шундан кейин Дилором яна уч-тўрт марта фермага келди. Негадир онасининг иши унга ёқиб қолган эди. Ўқишни тамомлади-ю онасининг ёнига келди. Лутфи опа қизига устоз бўлди.

Ўшандан бери орадан уч йил ўтди. Шу давр ичида Дилором Маҳмудова меҳнати билан кўпчиликнинг ғозига тушди. Ферма комсомол ташкилотига бошчилик қилди, моллар маҳсулдорлигини оширишга ёрдам берувчи қатор таклифлар билан чиқди. Меҳнатда ва ижтимоий ҳаётдаги активлиги учун ҳам кейин коммунистлар уни партия аъзолигига кандидатликка қабул қилишди.

Ўтган йили Дилором ўз боқувидаги ҳар бош сигирдан 2 минг 800 килограммга етказиб сут соғиб олди. Ҳозир эса ҳар бир сигирдан кунига 11 литрдан ошириб сут соғиб олаяпти. Мақсади бу йил ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут миқдорини 3 минг килограммга етказишдир.

Бу йил ёш чорвадор ҳаётида яна бир муҳим воқеа рўй берди. Ҳамкасблари унга катта ишонч билдириб, Оржоникидзе район Советига депутат қилиб сайлашди. Комсомол тарбиясини кўрган чаққон қиз партия топшириқларини ҳам, сайловчилар наказини ҳам бекамукўст адо этишга интилмоқда.

«Коммунист» колхозида ёш чорвадорлар оз эмас. Улар бу йил давлатга минг тоннадан ортиқ сут етказиб беришга аҳд қилишган. Бу курашда Дилором ҳаммадан олдинда бораяпти.

Д. ҚИРҒИЗБОЕВ.

● **Олмалиқ гилам фабрикасида меҳнат қилаётган ишчиларнинг аксарияти комсомол ёшлардир. Улар бу йил 40 миллион сўмлик гилам буюмлари ишлаб чиқаришга бел боғлаганлар. Мусобақада 1986 йил ҳисобига ишлаётган ёш коммунист Надежда Кострикина ва комсомол аъзоси Санталат Раҳматова барчага намуна бўлмоқдалар.**

В. Сироткин фотоси.

СТУДЕНТ ВА ЁШЛАРНИНГ XII ЖАҲОН ФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

Адрес: фестиваль фонди

XII·МОСКВА·1985

Студент ва ёшларнинг Москвада бўладиган XII жаҳон фестивалига тайёргарлик қизғин паллага кирмоқда. «Антиимпериалистик бирдамлик, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун» шиори остида ўтадиган фестивалга областимиз комсомол-ёшлари ҳам ўз меҳнат муваффақиятларини бағишламоқдалар.

Фестивалолди эстафетасида Акмал Икромов районидаги «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг Маҳфуза Худойбердиева бошлиқ комсомол-ёшлар коллективи олдинда бормоқда. Маҳфузанинг ўзи фестиваль очиладиган кунга 1987 йил топшириқларини бажаришга сўз берган.

Ўзбекистон маҳаллий саноат илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ёш конструкторлари фестиваль белгиси туширилиадиган 18 хил буюм тайёрлаш технологиясини тайёрлаб чиқдилар. Улар орасида рўмоллар, лаганлар, сўзаналар ва бошқа хил буюмлар бор. Ҳозиргача уч хил буюм бадиий Советдан ўтди ва улар яқин орада республикамиз маҳаллий саноат корхоналарида ишлаб чиқарила бошланади.

Фестивалолди мусобақаси район бўйлаб кенг қулоч ёймоқда. 81 комсомол-ёшлар коллективи фестивални муносиб кутиб олиш учун курашмоқда. 315 нафар ишлаб чиқариш илғори ўз социалистик мажбуриятини қайта кўриб чиқиб, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини фестиваль очиладиган кунгача бажаришга аҳд қилдилар. Улар орасида Тошкент булка-кондитер комбинатининг Л. Руппель бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси ҳам бор. Бригаданинг 23 нафар аъзоси бор. Улар кучи билан ҳозиргача белгиланганидан 110 минг сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ёшлар меҳнат унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу соҳадаги беш йиллик топшириғини 20 процент ортиғи билан бажариш ва жами маҳсулотда юксак сифатли ноз-неъматларни 35 процентга етказишмоқчи.

Калинин районидаги 12 комсомол-ёшлар коллективи ҳам фестиваль очиладиган кунгача беш йиллик топшириқларини бажаришга аҳд қилди. Улар орасида «Хасково» совхози комсомол-ёшлари ҳам бор. Ёшлар тежалган хомашё ҳисобига икки кун ишлаб, тушган маблағни фестиваль фондига ўтказиш ташаббуси билан чиқдилар. Бу ташаббусга райондаги бошқа йигит-қизлар ҳам қўшилмоқдалар. Ҳозиргача фестиваль фондига 5 минг сўмликдан кўпроқ маблағ ўтказилди.

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

ЗЕРИКАРЛИ СОАТЛАР

Колхозда ёшлар катта куч. Механизаторларнинг 70 проценти, чорвадорлар ва маккажўхоричилик бригадалари аъзоларининг 60 проценти комсомол-ёшлардир. Улар ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ёшлар ҳиссаси билан ўтган йил пахта тайёрлаш плани 101,4 процент бажарилди. Ҳар гектар ердан 34 центнердан ҳосил олинди.

Ёш коммунист Абдураҳим Қодиров бошлиқ комсомол-ёшлар маккажўхоричилик бригадаси аъзолари эса баён етиштириш бўйича 4 йиллик планни 150 процентга бажарди. Деҳқончиликнинг бошқа тармоқлари ва чорвачилик ҳам ривож топди.

Хўш, ёшларимизнинг меҳнатдан сўнг дам олишлари, маданий хордиқ чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратилганми? Афсуски, бу соҳадаги ишлар талаб даражасида эмас. Колхозимизда ёшлар учун клуб йўқ. Унинг пойдевори қўйилганига беш йил бўлди, ҳанузгача битмайди. Оммавий-маданий тадбирлар ўтказишга жой йўқ.

Мен кун бўйи фермада бўламан. Ишдан ҳориб чиқиб мириқиб дам олишни истайман. Майли, ҳар куни бўлмасин, ҳафтада бир марта концертлар уюштирса бўлади-ку.

Ишдан кейин магазинма-магазин югуришимиз ҳам ортиқча. Фермага автомагазинлар келиб турса, бундай қийинчиликлар бўлмасди. Лекин биз автомагазинларнинг умуман қорасини ҳам кўрмаймиз. Дам олиш, туристик сафарлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Мен бу фикр-мулоҳазаларимни область комсомол конференциясида ҳам баён қилганман. Район комсомол комитети, савдо, оммавий-маданий ишлар билан шуғулланувчи мутасадди ташкилот вакиллари бир келиб, ёшларнинг туриш-турмушидан хабар олсалар яхши бўларди. Зора, шундан кейин ўзгаришлар бўлиб қолса.

Р. МУҲАМЕДОВА,
Янгийўл район «Ленинизм» колхози фермасининг бош таъминотчиси.

Уйларидагидек ҳис этишсин

Студентлар ётоқхоналари «Тошкент ҳақиқати» назоратида

Кейинги йиллар ичида Чирчиқ шаҳридаги ётоқхоналарда истиқомат қилаётган ёшларнинг турмуш тарзини яхшилаш, уларга қулай маданий-маиший шароитлар яратиш борасида бир мунча тадбирлар амалга оширилди. «Энг яхши ётоқхона» номини олиш учун ҳар йили ўтказилаётган кўриклар, бадиий ҳаваскорлик коллективларининг конкурслари, спорт мусобақалари яхши самара бераяпти. Шаҳар комсомол комитети йирик корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб чиққан комплекс план асосида жамоатчи Советлар фаолияти активлашди.

Медицина билим юртида таълим олаётган 850 студентнинг 340 нафари ётоқхонада истиқомат қилади. Талабалар яшаётган хоналар озода, ёруғ. Дарс тайёрлаш учун барча шароитлар яратиб берилган. Мебеллар етарли. Шинамгина безатилган мажлислар залида адиблар, етук санъаткорлар, ишлаб чиқариш илғорлари билан мунтазам учрашувлар ўтиб турмоқда. Ётоқхонада ташкил этилган «Камалак», «Қизлар давраси», «Ҳамшира» тўгараклари қизғин фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда олиб борилаётган ташкилий-тарбиявий ишларни кучайтиришга Галина Синченко, Наталья Александрова, Дилдора Арслонқулова, Елена Келдишева каби педагог, тарбиячи ва комсомол етакчилари катта ҳисса қўшмоқдалар.

Аммо индустриаль техникум ётоқхонасида бўлган киши бу манзаранинг тескарисини кўради. Ётоқхона деворлари нураб кетган, хоналар кишини руҳан чарчатувчи бўғиқ бўёқлар билан бўялган. Тор хоналарда 4 — 5 нафардан ёшлар истиқомат қилишмоқда. Бу санитария-гигиена қоидаларига мутлақо хилофдир.

3-курс студентлари Фахриддин Рўзметов, Исматулла Рустамов, Рустам Саидбоев, Аҳмад Таганов лар яшаётган хонани кўздан кечирдик. Бу ерда ҳамма нарса бетартиб. Пойафзаллар, кийим-бошлар хона ўртасида уюлиб ётибди. Хонтахтада эса нон, қанд-қурс, эски мебеллар чанг босиб кетган.

— Нега бунчалик бетартиб турасизлар? — сўраймиз студентлардан.

— Практикада бўлиб, қарагани вақт тополмадик.

— Сизлар билан ораста-лик, гўзаллик ҳақида суҳбатлар ўтказиб туришадими?

— Унақа суҳбатлар бўлмаган.

Душхоналарга ҳам қараб бўлмайди. Санузеллар ишдан чиққан. Иссиқ ёки совуқ сув кўпинча бўлмайди.

— Бизга комендант чидамайди, — дейди ҳижолатмуз техникум директорининг ўринбосари Владимир Чихович Хон. — Ҳар икки — уч ойда алмашиниб турав ради.

Владимир Чихович билан ётоқхона буфетини айландик. Торгина хонага 12 та стул қўйилган.

— 250 нафар студент учун бу жой торлик қилмайдими?

— Торликка жуда тор, лекин илożимиз қанча, — дейди В. Ч. Хон. — шаҳар ижроия комитети ер ажратган, янги ётоқхоналар қурилишида буни албатта ҳисоб га оламиз.

Комендант тузукроқ жойлар деб бизни қизлар истиқомат қилаётган қаватдаги хоналардан бирига бошлади. Очқичи ўрнига арқонча боғлаб қўйилган эски шифонер ва стуллар хонани хира қилиб турарди. Директор ўринбосари буни кўриб дарров пул бўлса ҳам янги мебеллар ажратмаётган республика олий ва ўрта таълим министрлигидан нолиб кетди. Аммо у министрликка қачон ва неча марта мурожаат қилинганлиги ҳақидаги саволга жавоб бера олмади.

Шаҳарнинг қоқ марказидаги 2-ўрта ҳунар-техника билим юртининг эски типда қурилган бир қаватли ётоқхонасида ҳам бўлдик. Унинг ҳовлисида ахлат уюмлари тўпланиб ётарди. Ҳаммаёқ ифлос, қаровсиз.

— Қорлар эриб айбимиз очилиб қолди, — дейди комендант Вера Ивановна Махова. — Энди теварак-атрофни тозалашга киришамиз.

Қизиғи шундаки, бу ўқув даргоҳи билан деярли ёнма-ён бўлган 7-ўрта ҳунар-техника билим юрти ётоқхонасида манзара тамомила ўзгача. Ҳаммаёқ саранжом — сариштa. Ётоқхонадан ёнчалик узоқ бўлмаган спорт залида ёшлар ўзлари қизиққан секцияларда бемалол шуғулланиш имкониятига эгалар. Стендлар билан безатилган клуб. Қизил бурчак, махсус дарс тайёрлаш ва дам олиш хоналари ётоқхонанинг ёнгинасида. Ўқувчилар тез-тез оталиқ ташкилоти вакиллари билан учрашиб турадилар. Ўқилган китоблар юзасидан баҳслар, куй ва қўшиқ кечалари, дискотекалар ўтиб туради. Нега шундай тадбирларни 2-ҳунар-техника билим юртида ҳам ўтказиш мумкин эмас? Ахир иккала ўқув даргоҳи педагогик коллективлари ёнма-ён меҳнат қилишаяптику?!

Бизнингча, бунинг сабаби битта, кимдир ёшларга ўта меҳрибон, уларни тарбиялаш, оёққа қўйиш, касб ўргатиш борасида вақтини ҳам, билимини ҳам аямайди. Кимдир лоқайд, шунчаки кун ўтказишни афзалроқ кўради. Шу жиҳатдан олганда 2-ҳунар-техника билим юрти педагогик коллективи ён қўшниларидан ўргансалар ёмон бўлмасди.

Биз ётоқхоналарни айланганимизда студентлар буфет ва ошхоналарида чой қайнатилмаётганидан, оддий қулайликлар ҳам йўқлигидан нолиб гапирдилар. Ёшлар ҳақ, уйда бор бўлган имкониятлар ётоқхоналарда ҳам яратилиши керак. Талаба ва ўқувчилар вақтини тежаш, руҳини кўтариш, дарслардан сўнг дам олиши, ҳордиқ чиқариши учун зарур бўлган барча шароитларни яратиб бериш лозим.

Б. ШОҒУЛОМОВ,
область комсомол комитети студент-ёшлар бўлими инструктори.
С. ҲАСАНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

1945-1985

ЁДДА ЎША ДЕНГИЗЧИЛАР

Ўрта бўйли, чеҳраси очиқ бу кишини оқ халат ва қалпоқсиз, фониндоскопсиз тасаввур этиб бўлмасдек туюлади. Ҳар ҳолда беморлар кўпинча уни шу ҳолда кўрадилар. Профессор палаталарда бўлиб, ҳар бир беморни диққат билан текшириб, улардан ҳол-аҳвол сўрашгач, даволовчи врачларга тегишли кўрсатмалар беради. Юксак малакали шифокорнинг муолажаларидан баҳраманд бўлган беморлар у ҳақда ўзаро фикр алмашиб қолишади.

— Профессор врачлик қилаётганларига 50 йил бўлганмиш, шу гап ростмикан?

—Йўғ-е.

—У киши фронтда ҳам бўлган эканлар. Қанча-қанча жангчиларимизни даволаб, сафга қайтарган эканлар...

Бу гапларда жон бор. Улуғ Ватан уруши бошланганда Омонулла Баҳодиров Тошкент давлат медицина институтини эндигина тамомлаб врачлик қилаётган эди. У урушнинг дастлабки йилиёқ ҳарбий хизматга чақирилди. 1942 йил сентябридан бошлаб СССР Ҳарбий Денгиз флотининг Волга-Дон-Кубань сув ости қутқарув хизмати бошқармасида медицина-санитария хизмати бошлиғи вазифасида иш олиб борди.

Бу ерда уни «Бош врачимиз» дейишарди. Тиш-тирноғигача қуролланган душман билан Сталинград остоналарида ҳаёт-мамот жанглари кетаётган пайтда Волганинг бу қирғоғида сув ости қутқарув хизмати денгизчилари чўктирилган кемаларни қутқариш билан банд эдилар. Бу денгизчилар ва ғаввослардан худди жанг майдонидагидек катта жасорат талаб этарди. Бошқарма шахсий состави сафида ҳам артиллерия отишмаларн, сувдаги миналар, ўқлардан ярадор бўлганлар учраб турарди. Ғаввослар анча вақт сув остида бўлишларига тўғри келганлиги туфайли улар саломатлигини доимо назорат қилиб туриш ҳам зарур эди. Омонулла Баҳодиров ўша кунларни шундай хотирлайди:

— Аччиқ изғирин совуқда қалин муз билан қопланган дарё остига тушиб, чўкиб ётган кемаларни кўтаришнинг ўзи бўлмасди. Бунинг машаққатини денгизчиларимиз ва ғаввосларимизгина яхши билишарди. Сув остида кеманинг барча тешикларини йўғон ғўлалар билан беркитиш, кемага бутунлай сув кирмайдиган бўлгач, ичидаги сувни насос ёрдамида чиқариб ташлаш зарур эди.

Қутқариш ишларининг аҳамияти катта эди. Денгизчиларимиз чўктирилган кемалардаги ҳарбий қуроллаҳоа, озиқ-овқатларни қутқарардилар. Бу иш немис самолётлари денгизчиларимиз устида чарх уриб, кетма-кет бомбардимон қилишларига қарамай давом этарди.

Қутқарувчиларимиз орасида ярадор бўлганлар ҳам кам эмасди. Биз уларни тезроқ сафга қайтариш учун барча чораларни кўрардик.

Ниҳоят Сталинград остоналарида тарихий ғалабага эришилди. Шундан сўнг Ростов озод қилингач, қутқарув хизмати бошқармаси Дон дарёсига, Краснодар қўлга олинганидан сўнг Кубанга ўтди.

Омонулла Баҳодиров бу жойларда ҳам денгизчилар дардига малҳам бўлди. Ўнлаб жангчиларнинг ҳаётини сақлаб қолди. У ҳарбий хизматдан қайтгач, Тошкент давлат медицина институти госпитал терапия кафедрасида иш бошлади. Тинимсиз ўқиш, ўрганиш ва изланиш натижасида кардиология бўйича йирик олим, медицина фанлари доктори, профессор даражасига кўтарилди.

Ҳозирги кунда медицина хизмати майори, профессор Омонулла Баҳодиров Ўрта Осиё медицина-педиатрия институти ички касалликлар кафедраси мудири вазифасида ишламоқда. Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида собиқ ҳарбий врач шогирдлари, талабалари даврасида ўша суронли кунларни хотирлайди, жангчиларимизнинг мислсиз қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя қилиб беради.

Д. СУЛТОНОВА.

*

● Тошкентдаги Островский номли пионерлар ва ўқувчилар саройида капитализм зулмига қарши курашаётган халқлар билан бирдамлик митинги бўлиб ўтди. Унда никарагуалик меҳмонлар ҳам қатнашдилар. Суратда: никарагуалик студент Хулио Мумгия Саидбаль митингдан сўнг «Қизил елканлар» ёш мухбирлар клуби аъзоларига дастхат бермоқда.

М. Юсупов фотоси.

*

СПОРТ

ФУТБОЛ

Афғонистон футболчилари республикамизда меҳмон бўлиб учта ўртоқлик учрашуви ўтказишди. Республика ўқувчилар терма командаси билан бўлган ўйинда 1:1 ҳисоби қайд этилди, «Пахтакор» командаси билан бўлган ўйинда мезбонлар 3:0 ҳисобида ғалабага эришдилар. Афғонистон футболчилари учинчи ўйинда Навоийнинг «Зарафшон» командасига 0:1 ҳисобида ютқазишди.

ШАХМАТ

Республика биринчилиги қатнашчилари кеча тўққизинчи тур ўйинларини ўтказдилар. Саккиз турдан сўнг тошкентлик Акром Тошхўжаев, Халил Ҳамроев, Андрей Котевлар 6,5 тадан очко билан пешқадамлик қилишмоқда.

СУВГА САКРАШ

Митрофанов номидаги сув спорти саройида республика спорт ўйинлари программаси асосида сувга сакровчилар мусобақалари бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар командаси биринчи, пойтахт области вакиллари иккинчи бўлдилар.

КУРАШ

Ўсмирларнинг республика биринчилигида турли кўнгилли спорт жамиятларининг 45 вакили қатнашди. 11 та вазннинг 8 тасида ғолиб келган Фарғона шаҳар командаси коллективлар ўртасида бош совринни қўлга киритди. Тошкент шаҳар командаси иккинчи бўлди. Унинг составида даврага чиққан Т. Жўраев ва Ҳ. Муродовлар чемпионлик шохсупасига кўтарилдилар.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ МЕҲНАТ БЎЛИМИ

ЕЛҒИЗ ЭРКАК ВА АЕЛЛАРНИ РСФСРДАГИ ҚУРИЛИШЛАРГА ТАШКИЛИЙ РАВИШДА ИШГА ЮБОРАДИ

«ВОЛГОДОНЭНЕРГОСТРОЙ» — Волгодонск шаҳри.
«ВОЛГОГРАДГИДРОСТРОЙ» — Волжский шаҳри.
«КАМГЭСЭНЕРГОСТРОЙ» — Брежнев шаҳри.
«КУЙБИШЕВГИДРОСТРОЙ» — Тольятти шаҳри.
«ТОМЛЕСПРОМ» — Томск шаҳри.
НОВОЕНИСЕЙСКИЙ ЛДК — Лесосибирск шаҳри.

Шартнома тузган ишчиларга иш жойига бориш учун бепул билет ва суткалик йўл харажати берилади. Иш жойига келганда ишчилар яхши жиҳозланган ётоқхона билан таъминланадилар ва уларга қайтариб олинмайдиган нафақа берилади.

Шунингдек, Тошкент областида яшайдиган оилалар РСФСРнинг Приморье ўлкаси, Қозоғистон ССРнинг Тўрғай области, Целиноград области ва Павлодар областига қўриқ совхозлар ва колхозлар қишлоқ хўжалигида ишлаш учун ташкилий равишда юборилади ҳам оилалар кўчирилади.

СПРАВКАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

ЧИРЧИҚ шаҳри, Октябрь кўчаси, 28-уй;
ОЛМАЛИҚ шаҳри, Советская кўчаси, 26-уй;
АНГРЕН шаҳри, 5-квартал, 1-«а» уй;
БЕКОБОД шаҳри, Фарҳод кўчаси, 24-уй;
ЯНГИЙЎЛ шаҳри, Пионер кўчаси, 1-уй.

Район марказларида меҳнат бўйича вакилларга, Тошкент шаҳрида эса Привокзальная кўчаси, 30-уйда жойлашган меҳнат бўлимига (1, 2, 5, 8, 9, 24-трамвайларнинг «Будённий кўчаси» бекати) учрашилсин. Телефон 55-74-77.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ 1985 ЙИЛ МАРТ ОЙИДА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ШАҲАРЛАРИ ВА РАЙОНЛАРИДА

«ШАҲРИЗОДАНИНГ ЯНА БИР ТУНИ»

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИНГ ПРЕМЬЕРАСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ



Сценарий муаллифи — Валерий КАРЕН.
Режиссер — Тоҳир СОБИРОВ.
Ролларда: Адель Аль-Хадад, Лариса Белогурова, Елена Тонунц, Тамара Яндиева, Шариф Қобулов ва бошқалар.

...Шаҳризоданинг замонасида ҳаёт эртакка ўхшар эди. Шунинг учун ҳам сеҳргарлар одамлар билан бирга яшашган. Ҳаёт эртакка ўхшайди, тожик кинематографчилари ҳикоя қилиб берган эртак эса қадим-қадим замонларда Ўрта Осиёнинг кенгликларида яшаган халқларнинг отабоболари ҳаётига ўхшайди. Унда ўрта асрларнинг ёрқин ишонарли воситалари ва миллий анъаналар ҳамда урф-одатлар намоён бўлади. Бундан ташқари чиройли либослар ва улуғвор архитектура обидалари томошабин диққатига ҳавола этилади.

Шарқ эртаклари асосида яратилган бу фильмнинг қаҳрамонларидан бири Азамат деган ёш йигит гўзал маликанинг қўлидан ўзининг жасорати ва саховати учун мукофот олгунга қадар бир қатор азоб-уқубатлар ва хавфли дамларни енгиб ўтади.

«ТОЖИКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

ФИЛЬМ ПРЕМЬЕРАСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ШАҲАРЛАРИДА ЎТКАЗИЛАДИ:

1—10 мартда — Чирчиқ шаҳри, «Навоий» номли кинотеатр.
1—10 мартда — Олмалиқ шаҳри, «Космос» кинотеатри.
1—11 мартда — Ангрен шаҳри, «Дружба» кинотеатри.
1—11 мартда — Янгийўл шаҳри, «Победа» кинотеатри.
15—17 мартда — Оҳангарон шаҳри, «Восход» кинотеатри.
20—24 мартда — Наримонов шаҳри, «Боку» кинотеатри.
20—29 мартда — Бекобод шаҳри, «Ўзбекистон» кинотеатри.

Хараламб ЗИНКЭ

ЧОРИҚ

ҲИКОЯ

ТАНИҚЛИ румин ёзувчиси Хараламб Зинкэ Улуғ Ватан уруши йилларида Самарқанд областида яшаган эди. Ёш румин комсомол-ўспиринини колхозчи Абдурасул Жўраев онласи асраб олганди. Ўша пайтлари у колхозчиларга қўшилиб пахта терди, фермада ишлади ва ўз ибораси билан айтганда: уч ой канал қурилишида колхоз шарафини ҳимоя қилди. 1944 йилда эса Совет Армиясига кўнгилли равишда ёзилиб, фашизмга қарши курашди. Ғалаба байрамини Болтиқ соҳилларида кутиб олди.

Хараламб Зинкэ ҳозир Бухарестда истиқомат қилади. У эндиликда адиб сифатида кўпгина асарлари билан китобхонларнинг меҳрини қозонган. Ёзувчининг китоблари рус ва ўзбек тилларига ҳам таржима қилинган.

Бухарестдаги нашриётлардан бири яқинда Х. Зинкэнинг Ўзбекистонда яшаган йилларидаги ҳаёти ифодаланган ҳикоялар туркуми ва хотираларини чоп этди. Қуйида ана шу ҳикоялардан бири билан танишасиз.

* * *

ОЕҚ кийимим ишдан чиқиб яланг ҳолда юришга мажбур эдим. Уруш айни авжига чиққан пайтлар, кўп нарса етишмасди. Савдо дўконларининг токчалари бўм-бўш, оёқ кийими тўғрисида умуман гап бўлиши мумкин эмасди. Ҳатто Тошкент посёлкасида ҳам ботинка ва кавуш топилмас, уларни фавқулодда ҳоллардагина учратса бўларди... Хуллас, шароит оғир эди.

Мен яланг оёқда юрардим. Айни қиш пайти, лекин совуқ у ерда биздагидай қаттиқ эмасди. Ҳар қалай яланг ҳолда юрса бўларди. Кундузлари оёғимни қумга тиқиб, озгина бўлсада, иситиб олардим. Аммо, оқшомлари изғирин мени роса ташвишга соларди.

Шундай пайтда Ота ёрдамга келди. Ахир унга асранди ўғил эдим-да! У киши менга тузукроқ оёқ кийими совға қилишни истарди, бироқ ҳеч қаерда бўлмаганидан кейин нима ҳам қилсин?! Натижада Ота ўз қўллари билан чориқ тикиб беришга қарор қилди. Лекин нимадан? Эҳ, энг қизиғи ана шу ердан бошланди...

Фермада сут эмаётган бузоқчалардан бири касалланиб нобуд бўлганди. Ота узоқ бош қотириб ўтирмай, унинг терисини шилди-да, офтобга ёйиб қуритди, кейин ундан чориқ бичди... Ота қўлидан чиққан чориқ умуман олганда ёмон эмас, жуда чиройли ясалган эди. Лўндасини айтганда, ўша пайтда менга шундай туюлганди. Терининг тукли қисми чориққа ўзига хос кўриниш бахш этган, мен билан бирга ишлаётганлар орасида ҳеч кимнинг бундай ғалати оёқ кийими йўқ эди...

Севинчим ичимга сиғмай, ўзимни еттинчи осмонда сезардим, ахир энди яланғоёқ юришдан қутулган эдим-да! Оёғимга турли латта-путтани ўраб, сўнгра чориққа тиқиб, боғичлар билан боғлаб қўярдим. Кейин қандайдир мунгли қўшиқни хиргойи қилган ҳолда пода ортидан йўл олардим. Чориқни кийиб олгач шаҳзодалардай дадил ва тантанавор қадам ташлардим.

Аммо ўша биринчи куниёқ рўй берган фавқулодда ҳодиса кўнглимни сиёҳ қилиб, бутун авзойи баданимни титратиб юборди...: Подани яйловда якка ўзим боқиб юргандим. Энди молларни қай тарафга ва қачон ҳайдаш, қачон қайтариш кераклигини ўрганиб олгандим. Хуллас, пода ўтлоқзорда осойишта ўтлаб юрарди. Мен чўпон таёғига суянган ҳолда ямяшил майсаларни жониворлар қандай ямлаётганини кузатиб, ўзимча хаёллар оғушига ғарқ бўлгандим...

Тўсатдан кўринишда вазмин ва тинч жониворлардан бири бўлган ола сигир подадан ажраб чиқди-да, қандайдир қатъиятсизлик билан мен тарафга яқинлашаверди. Сўнгра жуда ҳам шитоб билан ёнимга келиб, мени ҳидлай бошлади. Кейин қандайдир намли, сўлғин ва меҳрибон кўзлари билан бошимдан оёғимгача кузатди.

Сигирни ҳайдаб юборсамда, сал ўтмай олдимга қайтиб келади ва менга қандайдир ёлворувчан нигоҳини қадайди. Кавшанар экан, беихтиёр мендан сира кўз узмайди. Уни такрор-такрор ҳайдаб юбораман, йўқ, сигир ҳеч узоққа бормай, дарров ортига қайтади. Унинг бу қилиғи мени беихтиёр хаёлга толдиради. Сўнгра сигирнинг яқинроқ келишига имкон бераман. У менга яқин келиб, энди турган жойида қотиб қолади. Агар салгина қимирлагудек бўлсам, ҳаммасини барбод қилишим турган гап. Шундан сўнг сигир жуда ҳам яқинлашиб мени ҳидлар экан, ҳўл тумшуғини чориғимга суйкайди. Сўнгра янги тугилган бузоқчасини ялаётгандек мулойим ва ҳасрат билан тинмай тамшана бошлайди...

Фавқулодда рўй берган бу ҳодисадан менга ҳамма нарса аён бўлади, Бутун вужудимни чексиз ҳаяжон эгаллаб, беихтиёр кўзларимда ёш қалқийди...

Румин тилидан **Х. АЛТМАН** таржимаси.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

«КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШ СИЁСАТИДАН БОШҚА ЙЎЛ ЙЎҚ»

● ВЕНА. Австрия федерал канцлери Ф. Зиновац СССР билан АҚШ ўртасида ядровий ва космик қуролларга доир музокаралар ўтказиш тўғрисида аҳдномага эришилганлиги муҳимлигини таъкидлади. Австрия ҳукуматининг раҳбари «Винер цайтунг» газетасида босиб чиқарилган баёнотида Шарқ билан Ғарб ўртасидаги мулоқотнинг зарурлигини уқтириб ўтди. Бундай мулоқот тинчлик ишига, турли регионлардаги кескинлик манбаларини тугатиш ишига хизмат қилиши лозим.

«Кескинликни юмшатиш сиёсатидан бошқа йўл йўқ» деб таъкидлади канцлер. Австрия келгусида ҳам қуролланиш пойгасини тўхтатишга қаратилган ва ядро уруши хавфига қарши сиёсатни ўтказаверади.

АҚШ АГРЕССИЯНИ ТОБОРА КУЧАЙТИРМОҚДА

● МАНАГУА. АҚШ сандиночилар халқ революциясини бўғиб ташлаш мақсадида агрессияни тобора кучайтирмоқда, деди Никарагуа давлат хавфсизлиги бош бошқармасининг бошлиғи Л. Серна. АҚШнинг Марказий Америкадаги қуролли кучлари кўпайиши билан Америкага ёлланган сотқинларнинг имкониятлари ошмоқда, бу сотқинлар Пентагон билан МРБдан тобора кўпроқ қурол-яроғ ва аслаҳа-анжомларни олиб турибдилар, деди у ТАСС мухбири билан суҳбатда. Ҳозир Никарагуага ташланаётган контрреволюцион гуруҳлар Американинг турли қуроллари, шу жумладан миномётлар, тўплар, гранатомётлар билан яхши қуролланган, ёлланган армия бўлиб қолган. Унинг ихтиёрида радар қурилмалар бўлиб, бу қурилмалар Никарагуада ўрнашиб олган контрреволюционерларга қурол-яроғ, ўқдори ва озиқ-овқат етказиб бериш операцияларини Гондурас территориясида туриб таъминламоқда.

«УМУМИЙ БОЗОР» МИНИСТРЛАР КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

● БРЮССЕЛЬ. Бу ерда Европа иқтисодий ҳамжамияти министрлар кенгашининг қишлоқ хўжалик министрлари иштирокидаги икки кунлик сессияси ўтмоқда.

Министрлар гуруҳга аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида чуқур зиддиятлар келтириб чиқараётган мураккаб проблемаларни муҳокама қилмоқдалар. Жумладан, «умумий бозор»нинг қишлоқ хўжалик соҳасидаги сиёсатини пул билан таъминлаш масалалари сессия кун тартибига киритилган. Европа ҳамжамиятлари комиссияси (ЕХК) шу мақсадлар учун 1985—1989 йилларда 6 миллиард Европа валюта бирлиги (ЕВБ) сарфлашни таклиф этмоқда, аммо ГФР шунча миқдордаги маблағга рози эмаслигини билдириб унинг қисқартирилишини талаб қилоқда.

1985—1986 йилларда етиштириладиган маҳсулотларнинг нархлари тўғрисидаги масала юзасидан айниқса ўткир мунозаралар бўлиши кутилмоқда.

● Югославия пойтахти — Белградда «Совет Иттифоқининг химия соҳасидаги ютуқлари» кўргазмаси зўр муваффақият билан ўтмоқда. Суратда: кўргазма залларидан бирида.

ТАНЮГ—ТАСС телефотоси.

ЯҚИН ШАРҚДА АДОЛАТЛИ ВА МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИК УЧУН

● ДАМАШҚ. Сурия бошқа араб халқлари билан бирга Исроил агрессорларига қарши, Америка империализми ва сионизмнинг Яқин Шарқда ҳукмронлик ўрнатишга қаратилган хатарли режаларига қарши курашни давом эттиради, деди Араб социалистик уйғониш партияси бош секретарининг ўринбосари А. Ал-Аҳмар бу ерда сўзлаган нутқида. Ў Сурия халқи регионда фаластинлик араб халқининг қонуний миллий ҳуқуқларини, жумладан унинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўзининг мустақил давлатини барпо этиш ҳуқуқини қондиришга асосланган адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш мақсадида бундан буён ҳам бутун кучини сарфлайберади, деб таъкидлади. Арабларга таслимчилик режаларини тиқиштириш, уларни ўз ҳуқуқлари ҳамда босиб олинган территорияларни озод қилиш йўлидаги одилона курашни давом эттиришдан воз кечишга мажбур қилиш мақсадидаги барча уринишлар муқаррар барбод бўлади, деди А. Ал-Аҳмар.

ПОКИСТОН ЯДРО ҚУРОЛИ ЯРАТИШГА ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДА

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг ПТИ ахборот агентлиги генерал Зиёул Ҳақнинг Лондонда чиқадиган «Обсервер» газетаси мухбири билан қилган суҳбатини шарҳлаб, Покистон ўзининг ядро қуролини яратишга ҳозирлик кўрмоқда, деган хулосага келади. Исломобод ҳарбий режимининг бошлиғи Покистон ҳозирги вақтда уранни бойитиш технологиясини қўлга киритилганлигини эътироф этди.

Газетада уқтириб ўтилишича, «Покистон Исломобод яқинидаги маҳфий корхонада биринчи марта бойитилган уран олинганлиги туфайли атом бомбасини яратишга яна бир қадам яқинлашиб қолди». Покистон ядровий программасининг раҳбари Абдул Қодирхон бошчилик қилаётган ана шу корхонада 3 минг киши ишламоқда.

(ТАСС, 26 февраль).

(«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 2 мартда чиқади).

Редактор Н. НАСИМОВ.

Театр Цирк

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/II да Ҳар тўкисда бир айб, 1/III да Отелло.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва цирки артистларининг гастроллари (19.30).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — «Сенги ҳақида ҳикоялар». Бадиий фильм. 11.05 — Фильм-концерт. 11.25 — «Авария». Бадиий фильм. 1-серия. 12.35 ва 15.00— Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.55 — С. Гудзенко поэзияси. 16.35 — Шахмат мактаби. 17.05 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 17.45 — Армиячилар Спартакиадаси. 18.20 — Концерт. 18.45 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Мультфильмлар. 19.55 — Телефильм. 20.30 — Ветеранлар, Сизлар учун. 21.30 — «Время». 22.05 — «Йўл ёқасидаги уй». Фильм-балет. 22.45 — Дунё воқеалари 23.00 — Фильм-концерт.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 12.00 — Илмий - оммабоп фильм. 12.10 — «Оила ва мактаб». 13.25 — «Вил ва уддала». 14.25 — «Петерс». Бадиий фильм. 16.05 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Концерт. 19.15 — Илмий-оммабоп фильм. 19.30 — Концерт. 20.00 — Савдо қандай ривожланиши керак. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.50 — Армиячилар Спартакиадаси. 21.30 —«Время». 22.05 — «Авария». Бадиий фильм. 2-серия. 23.10 — Волейбол. «Радиотехник» — ЦСКА.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — «Ахборот». 10.20 — Болалар учун фильм. 10.35 — «Ер ва эл». 11.50 — Қўшиғим, жон қўшиғим. 12.30 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 13.00 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Жаҳон ёшлари фестивали олдидан. 18.55 — Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти. 19.10 — «Зулфия ҳақида сўз». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Инсон ва қонун». 20.15 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — «Ахборот». 20.50—Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — Транспорт конвейери муаммолари. 22.30 — «Она юрт хизматида». Бадиий фильм. 24.00 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.10 — Москва-II. 18.10 — Ҳужжатли фильм. 18.30 — Рус тили — мактабгача ёшдаги болаларга. 19.00 — Тенгдошларинг ижоди. 19.40 — Реклама. 19.50 — Телефильм. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Чорвачилик зарбдор фронт. 20.40 — Телефильм. 21.00 — Енгилдан эҳтиёт бўлинг. 21.30 — Москва-II.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ / "Ташкентская правда"/

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32



Редактор қабулхонаси—325351; редактор ўринбосарлари—335885; 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши—325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; пропаганда—325556; совет қурилиши—325645; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; адабиёт ва санъат—325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; хатлар ва оммавий ишлар—334048, 325354; фельетонлар—325556; фотомухбир—325894.

Р. 11103. А. 1653. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12